



Мўминжон Сулаймонов,
Қурбонали Тўлабоев

ТУНАВВАР ТОНГ
ҚУШИҒИ

**Мўминжон СУЛАЙМОНОВ,
Курбонали ТЎЛАБОЕВ**

*Шоир ва ёзувчи
Оташ Холмирзаевнинг
70 йиллигига бағишиланади*

**МУНАВВАР ТОНГ
ҚЎШИҒИ**

*(Болалар шоири, ёзувчи, журналист, фольклорист
Оташ Холмирзаевнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида)*

“Наманган” нашриёти
2010 йил

Масъул мухаррир: Мұхаммад ВАЛИ.

Болалар шоири Оташ Холмирзаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, халқ таълими аълочиси, болаларнинг “ОЛТИН ТОЖ” газетаси мухаррири. Унинг ҳозиргача Тошкент, Фарғона, Наманган нашриётларида ўтизга яқин китоблари чоп этилган. О. Холмирзаев асосан болалар учун ёзади. Унинг илк китоби “Осмондаги дарвоза” 1972 йилда чоп этилган бўлса, бугунги кунда унинг “Бир сиким тупрок” ҳикоялар тўплами, “Қиёмат”, “Яшаш гашти” номли икки томлик китоблари, шунингдек, болаларга бағишланган “Биз табиат шайдоси” номли шеърлар тўплами чоп этилди. Бу асарларнинг бари шоирнинг 70 йиллигига бағишланган.

Ушбу рисолада эса шоир 70 йиллик ҳаёти давомида педагог, журналист, ёзувчи, фольклорист сифатида қиласа ишлари, ижод майдонидаги уринишлари баҳоли кудрат қаламга олинган. Албатта, бу рисола шоир ва ёзувчи ҳақидаги мукаммал асар эмас. Ҳали айтилиши, ёзилиши ва баён этилиши лозим бўлган жуда кўп ишлар ўз тадқиқотини кутмоқда.

Филология фанлари номзоди, доцент Мўминжон Сулаймонов ва олий тоифали педагог, халқ таълими аълочиси Курбонали Тўлабоевларнинг “Мунаввар тонг қўшиғи” рисоласи шоир ижоди тўғрисидаги илк уринишларидир.



Шоир ва ёзувчи Оташ Холмирзаев

Инсон ҳаёти мўъжиза. У яратилибдики, эзгуликка, яхшиликка үнтилиб яшайди. Бироқ, ҳар бир яратилаётган янгилик, қилинганд катта ишлар ҳамиша тирик жон, инсонни ҳайратга солади. Қаранг, инсон ўзи яратган мўъжизалардан ҳайратга тушмоқда. Нега? Сабабки, ўша янгилик, катта кашфиётларни буюк алломалар, эл ардоғида яшаётган улуглар яратадилар. Адабиёт ҳам шунинг бир парчаси. Унинг ҳам мақсади битта. Инсониятни яхшилик сари ундаш. Бу борада илк тарбия қуроли ҳалқ оғзаки ижоди бўлган. Тахминимизча биринчи асарлар эртаклар эди. Сўнг ҳалқ қўшиқлари яратилиб, бу қўшиқлар такомили эса ҳалқ достонлари бўлган. Барининг мақсади тарбия, шундай дейишга асос ҳам бор.

Бугун инсоният шунчалик тараққий қилдики, энди бир вактлар мўъжиза саналган сирлар ҳам ўз имкони даражасида маълум ва машҳур бўлди. Бугун ёзма адабиёт, ҳалқ оғзаки ижодидан фарқли ўлароқ, юксакликка парвоз қилди, жаҳон ижодкорлари томонидан яратилган шеър, қисса, роман ва драматик асарлар инсоният маънавий тараққиётида катта рол ўйнамоқда.

Бу борада жаҳон адабиётининг бир бўлаги бўлган ўзбек адабиёти ҳам катта ютукларни қўлга киритди. Бугун шеъриятимиз гултожи саналган Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Захиридин Муҳаммад Бобур, Бердақ, Нодира, Увайсий ва бошقا юзлаб алломаларимиз ижодидан баҳраманд бўлмоқдамиз. Кейинчалик адабиёт майдонига кириб келган Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ҳамза, Усмон Носир, Faфур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзодалар ижоди ҳам ўзбек ҳалқини оламга танитди, тарбия қуроли сифатида хизмат қилди.

“Шоир ва ёзувчи деб ёзган эди катта шоиримиз Эркин Воҳидов “Келажак мулкининг дастёри, хизматчиси, ўлмас сўз яратиш йўлидаги заҳматкаш. У миллионлар калбида акс садо беради”¹.

Зеро, шоиримиз ҳақ. Ҳар бир яратилаётган асар инсон дили ва тилига кўчмас экан, озиқ бериш қудратига эга бўлмас экан у яхши асар эмас. Бу борада ўша тарбия манбаъсини англаб етаётган ва шу тарбия йўналишига амал қилинаётган мактаб, тарбиячи, зиёли, акл-идрок эгаларининг хизматлари каттадир.

¹ Воҳидов Э. “Шоиру шеъру-шуур”, “Ёш гвардия”, нашриёти, Тошкент. 1987, 11-бет.

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг навбатдаги асарларидан бирида: “Тарбиячи устоз бўлиш учун, бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқоро этиб етишириш учун энг аввало, тарбиячининг ўзи ана шундай фазилатларга эга бўлиш керак”² деб ёзган эди. Демак, ижодкор ҳам ана шундай катта хислат эгаси бўлмоги керак. Зеро, у ҳаётдаги майдо-чўйда ишлардан тортиб, каттасигача тийрон илғаса, шу асосда асар яратса, инсониятга жуда фойда келтириши мумкин.

Ана шундай буюк ишлардан вилоятларимиз, чекка қишлоқларида ижод қилаётган шоир ва ёзувчиларнинг ҳам ўз улушлари бор. Айниқса, болалар адабиёти бу борада катта ишлар қилишга қодир. Ўзбек болалар адабиётида қалам тебратган Куддус Мұхаммадий, Пўлат Мўмин, Зафар Диёр, Кудрат, Ҳикмат, Илёс Мұслим, Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон, Робиддин Исҳақов, Жўра Раҳим, Ўринбой, Қўлдош, Оташ Холмирзаев, Тўхтахон Раҳимова ва бошқаларнинг ижод намуналари жуда катта тарбия куроли сифатида ўқувчиларимиз томонидан севиб ўқилмоқда. Бу борада насрда ижод қилаётган Худойберди Тўхтабоев, Латиф Маҳмудов, Сафар Барноев, Эргаш Раҳимов, Яира Саъдуллаева кабилар ҳам катта ишлар қилаётган улкан ижодкорлар дейишига асосимиз бор.

Оташ Холмирзаев ҳам ана шу ижодкорларнинг бири. У республикамизнинг энг чекка қишлоқларидан бирида ижод қиласди. Халқимизнинг улкан ишларига камарбаста. Бирок, қишлоқда шоирлик қилишнинг ўзи бўлмайди.

Бунинг сабаблари бор. Биринчидан, шоир адабий муҳитдан анча йироқ, иккинчидан, шеърият, умуман, адабиётимизда бўлаётган янгиликлардан доимо хабардор бўлавермайди. Учинчидан, қишлоқда шеърият ва унинг сирларини тушуниб етадиган ҳамфир қишилар кам бўлади. Тўртинчидан, олим ва алломалар қаровида бўлмайди. Бешинчидан, шоир учун оғир меҳнатдан сўнг яхши кайфият, руҳий ҳолат ҳамиша туғила-вермайди. Яна бир томони борки, ўқитувчикек оғир касб, ҳар қандай қишини толиқтиради, бу эса ўқиш ва ўрганиш, ижод қилишга ҳалақит беради. Шунга қарамай шоир қирқ йилдирки

² Каримов И А “Буюк келажагимизнинг ҳақиқий кафолоти”.

Тошкент, “Шарқ” нашриёти матбаба концернининг Бош таҳририяти, 1993 йил, 27-28 бетлар.

ижод қиласи, баҳоли қудрат республикамиз ва вилоят, туман рўзнома ва ойномаларида асарлари билан қатнашиб келади. Аммо, шоир Эркин Вохидов, “Ёзувчи бўлиш жуда кўп бекёс хислатларни ўзида мужассам қилмоғи керак. Бу истеъдод, билим, меҳнатсеварлик, замон ва макон туйғуси, закийлик, рухан ва жисмонан поклик., адолат туйғуси, курашчанлик, фидойилик, яна билиш қобилияти ва бошқа фазилатларга эга бўлиши керак”³, деб ёзганида ҳақ эди. Қишлоқ шоири учун бу хислатлар жуда зарур. Зоро, қаерда бу хислатлар мужассам бўлган шоир бўлса, ўша ерда жуда катта, ҳам маънавий, ҳам маърифий ўзгаришлар бўлади, албатта.

Оташ Холмирзаев ана шундай хислатларни ўзида шакллантира олган шоирдир. У ўзи ишлаган мактабми, матбуотми ёниб яшади, эл учун, юрти учун фойдали иш қилди. Биргина 1970-1980 йиллар давомида қишлоқдаги 25-ўрта мактаб учун 640 ўринли, сўнг Т.Н.Қори Ниёзий номли 115-мактаб-интернат учун 460 ўринли ўкув бинолари қурилишида бош-қош бўлди. Етти марта республика семинар кенгаши ўтказди. Йигирмадан ортиқ ҳалқ бахшиларини аниқлади ва улар ижоди бўйича илмий кузатишлар олиб борди.

Шоирнинг яна бир ютуғи шундаки, у Наманган вилоятида ижод қилаётган Ҳабиб Сайдулла, Абдулла Жалил, Эргаш Ёндош, Шерали Тошматов, Турғун Пўлот, Содик Сайхун, Малик Мурадов, Тўхтахон Раҳимова, Носирjon Жўраев, Қозоқjon Маҳмуд, Ҳамид Тожибоев, Одилжон Носиров, Нуриддин Бобохўжаев, Санобар Ҳасанова, Эрмамат Нурматов, Абдуғани Абдувалиев, Абдулла Жаббор, Бокий Мирзо, Жўра Раҳим, Робиддин Исҳақов, Тўра Мирзо, Темурбек, Аҳмад Турсун, Ёқубжон Аҳмаджонов, Обитжон Жуманазаров, Ёқуб Дармон, Дијором, Диљбар Бону, Диљбар Ҳайдарова, Жамолиддин Муслим, Носир Дехқон, Муҳаммад Мирзо, Малҳамий, Иброҳим Маҳкам, Исоюжон Нишон, Мусо Акмал Иброҳим Мусаев, каби ижодкорлар сафидан муносиб ўрин олди. Буни кейинги йилларда чоп этилган йигирмадан ортиқ китобларидан ҳам билса бўлади. Бу ҳақида НамДУ профессори Одилжон Носиров ва доцент Тоҳиржон Раҳмоновлар шоирнинг “Турон оҳанглари” тўпламига ёзган тақризларида шундай деган эдилар: “Тўплам ва унда олға сурилган гоялар

³ Вохидов, Э. “Талант тарбияси”, “Ёш гвардия” нашриёти, Тошкент – 1980 йил, Эркин Вохидов билан олим Умарали Норматов сұхбати, 11-бет.

бугунги кун нафаси билан сугорилган шеърлар, шоирнинг Наманган адабий мухитида ўзига хос ўрни борлигидан дарак беради.”⁴

Бундай фикр ва мулоҳазалар НамДУ доценти Махмуджон Мамуров, тарих фанлари номзоди Бахтиёр Исҳаков, филология фанлари номзоди Дехқонбой Қозаков, журналистлар Собир Турғунов, Ғуломжон Ақбаров, филология фанлари номзоди, шоир Жўра Раҳим, шоир Козоюқон Махмудов, журналист Абдурахмон Насритдинов, Махмуджон Парпиев, Рустамжон Умматов, Йўлдошали Самиев, Жума Мусаев, Иброҳим Мусаевлар томонидан ёзилган мақола ва китоблардаги кириш сўзлар орқали ҳам баён этилган.

Шу нуқтаи назардан қараганда бугун биз бошлаган иш катта ишлардан дебоча бўлиб, унинг ижодини айрим кирраларини очиш йўлидаги илк уринишлар деб баҳоламоқ керак.

Албаттa, ишни ёзиш жараёнида биз шоир Оташ Холмирзаевнинг ижод архиви, кўп йиллар давомида тўплланган ойнома ва рўзномалар, олим ва адибларнинг у ҳақидаги мақолалари, Наманган давлат педагогика институти адабиёт кафедраси томонидан чоп этилган рисолаларга киритилган маколалар, филология фанлари доктори, фан арбоби, профессор Малик Мурадов, доцент Тожибой Фозибоев, филология фанлари номзоди Абдишукур Собиров, Охунжон Собиров ва бошқа олимларнинг рисолалари орқали баён этилган маколалар асос қилиб олинди.

Шоир ижодини тадқиқ этишда Ҳамид Сулаймон номли кўлёзмалар институти ва Алишер Навоий номли адабиёт музейи архивидаги сакланаётган кўлёзмалар⁵, шоирнинг "Адабиёт дарсларида ҳалқ оғзаки ижоди"⁶ ҳамда "Мактаб менинг ҳаётим"⁷ каби асарлари⁸ бу

⁴ Носиров О, Рахмонов Т. "Турон куйларни", "Халк иродаси" рўзномаси, З-бет, 1997-йил.

⁵ "Ўбозҳо ҳалқ достонлари китоблори" муаллиф тўпловчилар: Аббос Туронкулов, Шомира Турдишев, Екубон Жураса, Сулаймонов номли кўлёзмалар институти нашриети. Тошкент. 1986.

⁶ Холмирзаев О, "Адабиёт дарсларида ҳалқ оғзаки ижоди", Наманган. - 1991.

⁷ Холмирзаев О "Мактаб - менинг ҳаётим", Наманган - 1992

⁸ Холмирзаев О, "Осиёнлаги даврозвоза", тўплам, "Ёш гвардия" нашриёти, мухаррир Анвар Ҳожи, Тошкент 1974-йил.

а/ Холмирзаев О, "Биглининг карвони", "Ёш гвардия" нашриёти, Тошкент 1978-йил.

б/ Холмирзаев О, "Момакайнок", Рангли, суратли, "Камалак" нашриёти, Тошкент. 1979 йил.

в/ "Бойичак"/ коллектив тўплам/, "Ёш гвардия" нашриёти, Тошкент - 1984 й.

г/ "Юлдузла", Коллектив тўплам/, "Ёш гвардия" нашриёти, Тошкент - 1987 й.

д/ "Бойичак"/ Коллектив тўплам/, "Ёш гвардия" нашриёти, Тошкент - 1988 й.

е/ Холмирзаев О, "Пешкўргон олмаси", шеърлар ва эртак, достон, такризчи Махмуджон Мамуров, "Наманган" нашриёти, Наманган-1992 й.

ғ/ Холмирзаев О "Турон оҳанглари" шеърлар, Наманган - 1997 йил.

ж/ Холмирзаев О, "Сави ююн кутакин бахор", Наманган - 1997 йил.

з/ Холмирзаев О, "Довои/кисса/", Наманган - 1997 йил.

к/ Робигдин Иссақов, Оташ Холмирзаев "Мустақитлик болалари", шеърлар, Наманган 1998 йил.

иши яратишда катта манбаа бўлди. Иш жараёнида шоир ва ёзувчи томонидан ёзилган ва ҳозирда қўлёзма ҳолида сакланадиган "Дилбар", "Мусаффо осмон остида", "Ер остидаги ёкут", "Биринчи муаллим қиссаси", "Қиёмат", "Кафтдаги чўғ", "Довон", "Чакмоқ" "Осмондан тушган аёл", "Тақда соҳилидаги одамлар", "Лўли қизнинг муҳаббати" "Тақдир эшиги" каби қиссалар ҳам бирма-бир кўриб чиқилди, Чоп этилганлари эса бу ишда таҳлил этиш учун мавзу қилиб олинди. Шунингдек, шоирнинг элликдан ортиқ шеърий тўпламлари ўрганиш, таҳлил этишга муҳтоҷ. Яна шуни таъкидлаш керакки, шоир архивида жуда чиройли қилиб тикилган йигирмадан ортиқ ойнома ва рўзномалар тахламлари ҳам катта манбаа бўлди.

Шоир ижодий архивини ўрганиш жараёнида яна шуни кузатдики, у Москва, Ростов, Петербург каби катта шаҳарларда чоп этилаётган ойнома ва рўзномаларга ҳам фаол қатнашган, ўз ижоди билан ҳамкорлик қилган. Рус тилида чоп этилган мақола, лавҳа, очерк, шеърларида шоир ватан, юрт мадҳини дилдан куйлаган. Ҳатто, Москвада чоп этилган "Литературная газета"да ҳам жонажон Ўзбекистонимизнинг адабиёти, санъати ва ҳалқлар дўстлиги мавзусидаги мақолалари чоп этилган.

Албаттa, бу ва шу сингари китоблар ўз навбатида шоир ижодини тадқиқ этишда катта манбадир. Бугунги кун ойнома ва рўзномаларида чоп этилаётган асарлари ҳам бизнинг назаримиздан четда қолмади.

Мустақиллик эълон қилинган кундан бери "Сұхбатдош", "Наманган ҳақиқати", "Халқ иродаси", "Мураббий", "Камолот", "Ҳайрат", "Чорток ҳақиқати", "Уйчинома", "Янгиқўргон ҳаёти" каби рўзнома, "Гулҳан", "Ғунча", "Саодат" каби ойномаларда чоп этилган шеърлар ҳам бир манбаа сифатида кўриб чиқилди.

Оташ Ҳолмирзаевнинг ҳалқ оғзаки ижоди бўйича олиб борган тадқиқот ишларининг ўзи катта бир мавзудир. У 1956 йиллардан ҳалқ оғзаки ижодини ўрганиш билан шуғулланган ва ҳалқимиз оғзаки меросининг қўшиқ, хикоя, эртак, ривоят, топишмоқ, достон ва бошқа турлари бўйича катта тўпловчилик ишлари олиб борган. Шу билан бирга фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Малик Муродов раҳбарлигида "Фарғона ҳалқ достончилиги", ("Фарғона ҳалқ достонлари" репертуарида "Гўруғли"

л/ Ҳолмирзаев О, "Пешкўргон мадҳи"/ Тарихий асар, ёхуд кишлоп тарихидан баҳшиёна лавҳалар/ Наманган- 1998 йил.

достонларининг тутган ўрни") мавзусида ўн йиллаб илмий қузатишлар олиб борди.

Ўндан ортиқ ҳалқ достончиларидан достонлар ёзиб олди ва Алишер Навоий номли Адабиёт, ҳамда Ҳамид Сулаймон номли ЙҚўлёзмалар институти фондига топширди. Бу материалларни ўрганиш, тадқиқ этиш ҳам бизнинг асосий ишимиз бўлди. Зоро, бусиз шоир ҳаёти ва ижодини айро кўриш мумкин эмас. Олим ва алломалар Малик Муродов, Мухаммаднодир Саидов, Саидбек Ҳасан, Ёкубжон Жўраев, Баходир Саримсақов, Комилjon Имомов, Охунжон Собиров, Тожибой Фозибоев, Ҳошимжон Раззақов, Дехқонбой Қозоқов каби фольклоршунос олимлар ёзиб қолдирган мақола ва уй дафтарига ёзган битиклар ҳам биз учун катта манбаа бўлди.

Китобни эса қуйидаги тартибда баён этишни мақсад қилдик. Аввало, шоир ҳаёти, у босиб ўтган йўл, бу йўлдаги яхши, ёмон кунлар, ижод ва ижодга бўлган қизикишлар, шоир шеърияти, унда кўтарилиган мавзулар, шеър ёзиш жараёнидаги қизиқарли воқеалар, шеърнинг тузилиши, бадиияти ҳам кенг ўрганишга лойик деб топдик. Тўпламлар ва тўпламлардаги тематикани ҳам кенг ёритиш мақсадга мувоғик деб ўйладик.

Шунингдек, шоир ижодида муҳим рол уйнаган наср ҳам атрофлича ўрганишга, баҳоли кудрат баҳо беришга лойик деган хуносага келдик. Ўзининг 1000 йиллигини нишонлаётган Пешқўргон ва пешқўргонликлар ҳақидаги асарлар ва бу асарда иштирок этган Жумабой баҳши, Раззоқ баҳши ва Абдуазиз баҳшилар ҳақидаги ривоят ва ҳақиқатни ҳам оз бўлсада очиб беришни мақсад қилиб кўйдик.

Оташ Ҳолмирзаевнинг ҳаёти ва ижоди бўйича умумий хуносалар қилиш ҳам бу ишимизнинг асосий мавзуси бўлди. Хуноса қилиб шуни айтиш лозимки, шоир ижоди ҳар томонлама ўрганишга лойик. Унинг 70 йиллик ижоди ва ҳаёти ҳар бир ўқувчи учун қизиқарли бўлади, деб ўйлаймиз.

Муаллифлар

ШОИР ОТАШ ХОЛМИРЗАЕВНИНГ ХАЁТИ ВА ИЖОДИ

Хаёт мүъжиза. Ийсон деган сирли жонзот миллиард йилдирки, бу хаёт комида яшайди ва ижод қилади, янгилик сари интилади. Баъзан ютуқларга эришса, баъзан мағлубият аламини тортади. У нималарнидир ўйлаб топади, ўша ўй ва фикрлари эвазига яратган янгиликларидан дам фойда кўрса, дам зарар кўради.

Шеърият ҳам, умуман, инсон ўйлаб топган мүъжизалардан бири. Баъзан нега инсон шеъриятни, қўшиқни ўйлаб топганига ҳайрон қоласан, баъзан яхшиямки, шеър ва қўшиқ бор, бўлмаса бу дунё қоронғу бир кулбага айланарди, дея ўйлаб қоласан. Хўш, шеър нима? Нега шеър ёзамиз, нега уни ўқиймиз, баъзан қўшиқ қилиб, унинг мусиқаси, сўзи остида ларзага тушамиз. Демак, шеър бу инсон юрагидаги туғён, ҳис-туйғу.

Халқ оғзаки ижодида шеър инсон яралгандаёқ пайдо бўлган деган ривоят бор. Бу унинг илохийлигидан, вахийлигидан бўлса керак. Зеро, биринчи одамлар ўзи яшаётган ҳудуд, овул, қишлоқда рўй берган турли-туман воқеа ва ҳодисаларни хикоя қилишлари оқибатида халқ эртаклари, ривоятлари пайдо бўлган. Уларга қўшиб чатиш ва лоф аралаштириш натижасида эса оддий воқеа даҳшатли тус олган, баъзан ақл–бовар қилмайдиган оғзаки ижодга айланган.

Бугун эса минглаб йиллар ортда қолди. Кечагина оғзаки ижодига ишонган халқ энди дунёни ларзага солувчи ёзма адабиёти билан ҳам фахрланмоқда. “Гўрўғли”, “Манас”, “Алпомиш” каби халқ достонлари билан бирга жаҳон адабиётининг дурдонасига айланган ўнлаб роман, қисса ва ҳикоялар яратилди. Ундаги ижобий ва салбий образлар орқали ўзимизни, жамиятни, келажакни даволаймиз. Демак, ижод бу ахлоқ ва одоб даражасида дарс берувчи катта муаллим. Ижодкор эса ўша асарлардаги воқеа ва ҳодисаларни юракдан ҳис қилган ҳолда қофозга туширган мўъжизакор бир инсон. Балки шунинг учун ҳам халқ ўз шоири ва ёзувчиларини севар, шунинг учун ҳам уларни ардоқлар.

“Шеър исён, хис, туғён....” Ишқ хижрондан туғилиб, соғинчга йўргакланиб, муҳаббатнинг бешигигача беланган илохий неъмат⁹ деб ёзилган сатрларни ўқиб эса бунга иймон келтирасан. “Куръони карим”-нинг “Шуаро” сурасида эса шоирлар ҳакида шундай оятлар бор. “Мўмин киши ҳам тифи, ҳам тили, ҳам қалами билан Оллоҳ йўлида жиҳод қилур. Яратган эгамнинг номига қасамки, шоирлар отадиган ўқнинг тифи ўтқирроқдир”¹⁰ дейилган. Бундан кўриниб турибдики, шоир ижоди илохий куч орқали ваҳий қилинади.

Ҳаётда иктидор ҳаммага берилади, аммо уни ривожлантириш, серкирра томонларини англаб етиш, авайлаш, асраш ва илохий куч орқали келган ижод маҳсулини ҳалқقا етказмоқ анчагина қийин иш. Бу борада шароит, муҳит, ҳамфикр, куллаб-куватловчи ақл-идрок кишилари бўлмоги зарур. Яна бир нарса борки, ҳар қандай ижодкор ўзига хос бўлмоги керак. Зеро, бугун биз Ҳамид Олимжон ёзган шеърни Ғафур Ғулом ёзолмаслигини биламиз. Эркин Воҳидов ўзи бир олам, Абдулла Орипов эса яна бошқа дунё. Бугун ижод килаётган минглаб шоир ва ёзувчилар борки, уларни ҳам бир-биридан кам қўйиб бўлмайди. Бизнингча, бир қалам чизган шоирни ҳам арадоклаш, яхши асарлар ёзишга ундаш керак. Бироқ, ҳаётда турли ҳил калтабин, кибор ёғи или кўзлари кўрлар, нокамтар шоир ва ёзувчилар ҳам борки, уларнинг кўплари бошқаларни тан олмаслик касалига мубтало бўлганлар. Бу эса кўпгина холларда адабиётимиз ривожига тўсик бўлмоқдалар.

Имконият, барча шарт-шароит бўлганда эди, бугун шеърият кўк қадар юқори даражага етган бўларди. Ҳатто Алишер Навоий, Заҳириддин Мухаммад Бобур, Машраб йўлидаги катта-катта ғовлар ижодкор дилини тилка–пора қилган, уларни ҳаётдан эрта кўз юмишлари учун омил бўлган. Бироқ, шоир ва ёзувчи ҳалқи ҳамиша олға борган, ўз ижоди бирла эли ва ҳалқи қалбидан муҳим жой эгаллаган.

Ўзбек адабиёти ҳам жаҳон адабиётининг бир бўлаги. Ўзининг Алишер Навоий, Лутфий, Саккокий, Нодира, Увайсий, Машраб, Бобур, Феруз, Фуркат, Мукимий, Завқий, Нодим Наманганий, Ҳамза, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир,

⁹ ..“Ўзбегим”, “Звезда Востока” ойномаси кутубхонаси, 16 бет, Тошкент-1992

¹⁰ “Куръони карим”, Шуаро сураси, 227 оят, 261 бет, Тошкент-1992, “Чўлпон” нашриёти

Ҳамид Олимжон,Faфур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ўткир Хошимов, Рауф Парфи, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Азим Суюн каби адиблари орқали фахрлана оладилар, бу ижодкорлар томонидан яратилаётган асарлар орқали миллат жаҳонга чиқиши лозим ва керак. Бу борада қилаётган ишларимиз ҳам чакки эмас. Бироқ, хали қмлишимиз лозим ишлар анчагина.

Мустақил республикамизнинг барча вилоятларида баҳоли кудрат қалам тебратаетган шоир ва ёзувчиларимиз ҳам бу йўлда катта ишлар қилишмокда. Наманган вилояти ҳам бундан мустасно эмас. Биз Машраб, Хилватий, Ибрат, Шавқий Намангоний, Нодим Намангоний, Парда Турсун, Чустий, Зафар Диёр, Азиз Турсун, Рафиқ Мумин, Ҳабиб Сайдулла, Одилжон Носиров, Ёкубjon Аҳмаджонов, Ҳусниддин Шарипов, Абдулла Жалил, Нуриддин Бобохўжаев, Санобар Ҳасанова, Эргаш Ёндош, Абдулла Жаббор, Эрмамат Нурматов, Обиджон Жумана-заров, Маҳмуджон Маъмуроv, Жўра Раҳим, Робитдин Исҳоқов, Оташ Холмирзаев, Лутфилла Маҳмуд, Абдуғани Абдувалиев, Боқий Мирзо, Тоҳир Каҳҳор, Тўра Мирзо, Турғин Пўлат каби ижодкорлари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Шоир Оташ Холмирзаев ҳам ана шуларнинг бири, қирқ йиллик ижод билан ошно инсон¹¹. Унинг ҳаёти ва ижоди бўйича озми-кўпми ишлар қилинган. Унинг 50 йиллик таваллуд кунида олим ва журналист Маҳмуджон Маъмуроv¹², туман ва вилоят рўзномаларида чиқишлиар қилган. Шу нўқтани назардан келиб чиқиб, шоир ва ёзувчи Оташ Холмирзаев ижоди мукаммал ўрганишга, каттароқ асарлар ёзишга лойик деб ўйладик. Ҳўш, Оташ Холмирзаев ким? Ким бўлгану, қандай асарлар яратган?

Бироз ўз кўринишини йўқотган папкаларни титамиз. Папкалар оз эмас, кўп эмас, юздан ортиқ. Мана биринчи папка¹³ Унда шоир ҳаёти ва ижодига оид мақолалар, хатлар. Хатлардан бирини кўлга оламиз. Бу хат фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Малик Муродовга мансуб. Бу мўътабар зот шоир ҳақида ёзид “Оташ покиза инсон, жонкуяр педагог, ҳалқ оғзаки ижодининг толмас тўпловчиси, яхшигина

¹¹ Бундан кейинги барча материаллар шоир Оташ Холмирзаевнинг шахсий архивидан олинади.

¹² Маъмуроv M. “Умрнинг 60 давонида”, Қайнок, қалбли ижодкор (Оташ ҳақида) «Наманган ҳақиқати», 1 08.1990 й.

¹³ Оташ Холмирзаевнинг шахсий архиви, I-папка, 55 бет. (Олим Малик Муродовнинг шонрга, аспирантурага кириш учун берган тавсифномаси)

болалар шоири”,¹⁴ деган фикр билдиради. Бу оддий одамнинг гапи эмас, катта олим ва алломанинг сўзи. Шоир ҳақида ажойиб олим, филология фанлари доктори, профессор Ҳошимжон Рассоков, олим Тожибой Ғозибоев, филология фанлари доктори, профессор Мухаммаднодир Саидов шоир Сафар Барноев, Анвар Хожи, Рауф Толиб, Султон Жаббор, Темур Убайдулло ва бошқаларнинг ҳам илиқ дилномалари бор. Айниқса, “Наманганская правда” рӯзномасининг мухаррир ўринбосари Иван Сизов¹⁵, ЎзА мухбири И.Бичурин¹⁶, олим Охунжон Собировларнинг¹⁷ республика ва вилоят рӯзномаларида босилган мақолалари шоир ижодига берилган илк баҳолардан эди.

Мавжуд маълумотлар шуни кўрсатадики, шоир Оташ Холмирзаев 1940 йил 16-январда Наманган вилояти, Чорток туманининг Пешкўрғон қишлоғида, аниқроғи Янгиқўргон туманининг Бекобод қишлоғида Топилди Содиковлар оиласида таваллуд топди. Онаси Ҳанифаҳон Тохирова 1920 йилда Пешкўрғон қишлоғида туғилиб, 1938 йилда Бекободлик Топилди Содиковга турмушга чиқди. 1939 йилда Ҳосиятхон, 1940 йилда Оташ, 1942 йилда укаси Эргашбой дунёга келди. 1944 йилда шоирнинг отаси Топилди ака фронтда вафот этди. Натижада у бобоси Холмирза Тохировлар хонодонига кўчиб ўтди, аниқроқ килиб айтганда бобоси Холмирза Тохиров уни тўрт ёшида ўғил қилиб олди.

Хуллас, шоир онаси Ҳанифаҳон ва синглиси Ҳосиятхон, укаси Эргашбойлар билан Пешкўргонга кўчиб келишди. “Кейинчалик, деб хотирлайди ижодкор, онам, яъни 1946 йилда Бекободлик Назарали Гавхаровга турмушга чиқдилар. У кишидан ЖАъфарали, Йўлдошли, Онахон, Адашли исмли укалар кўрдим. Улар бугун набира, чевараги, олий маълумотли, қишлоқдаги энг нуфузли кишилар бўлиб етишдилар.” 1947 йилда эса шоир қишлоқдаги Алишер Навоий ёномли 17-ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишига кириб, 1957 йилда 10 синфи “Аъло” баҳоларга тамомлади. У Холмирза ота оиласида якка ўғил эди. Шу боисдан у эрка ўси, тог ва қирлар билан ўралган она Пешкўргоннинг

¹⁴ Матмурев М. “Умринг 60 давонида”, Чорток-1994, “Қайнок қалбли ижодкор” мақоласи (Бу мақола, “Наманган ҳақиқати” рӯзномасининг 14 апрел сонида чоп этилган)

¹⁵ Сизов И. “Наманганская правда” «Горение» (О Оташ Холмирзаеве) 04.01.1980 г., №3 (9989) ”

¹⁶ В.Бичурин “Қишлоқ ўқитувчининг хазинаси”, 31 январ 1980 йил, “Совет Ўзбекистони” рӯзномаси, № 25 (17.605).

¹⁷ Собиров Охунжон “Фольклор кабинети” 24 январ 1980 й. № 15 (10, 755).

мусаффо ҳавосидан нафас олди. Шу билан бирга у тиришқоқ эди. Муаллимларининг ҳар бир сабогидан баҳра олди. Фан сирларини мұкаммал ўрганишга харакат қилди.

Мактабда ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари Отахон Нарзуллаев, Қобилжон Неъматов, Самижон Набиев каби устозларнинг ўгитларидан сабоқ олди. Адабиётнинг ички дунёсига кириб борди. Шоир Жўра Раҳим, Оташ Холмирзаевнинг “Пешкўргон олмаси” китобига ёзган сўзбошисида шундай сатрлар битади. “Шоирнинг “Пешкўргон олмаси” китоби унинг кейинги йилларда ёзган шеърларидан жамланган. У аслида тўрт ёшидан шеърлар тўкиган ва 7 синфда ўқиб юрган кезлари туман ва вилоят газеталарида шеърлари чоп этилган. Мен унинг шеърларини аллақачон ўқиганман ва ихчам, болаларбоп шеърларидан таъсиранганман”¹⁸.

Ҳа, филология фанлари номзоди, шоир Жўра Раҳим ҳақ. Унинг шеърлари мактаб деворий газетаси, республиканинг болалар газетасида Чорток туманининг рўзномаларида “Бизнинг лагерь”, “Шодланаман” каби шеърлари босилиб чиқди. “Ўшанда, деб ёзади шоир, мактабнинг 7-синфида ўқирдим, газетада бир даста шеърларим чоп этилди. Қувонганимдан туни билан газетани қучоқлаб ётдим. Эртасига эса мактабга чопдим ва синф раҳбарим Валентина Ивановна Соловьёвага кўрсатдим. Рости у киши ўзбекчани билмасди, шунга қарамай, шеърларимни мактаб директори Отахон акага кўрсатибди. Эрталабки сафда эса мен шу шеърларимни баланд овозда ўқиб бердим. Шу-шу мактабнинг севимли шоирига айландим. Ҳатто устозлар ҳам мени хурмат қиладиган бўлишди. Ҳа, ўша кундан мен шоир бўлиб қолдим.”¹⁹. Бу 1954 йил эди. 1957 йилда эса ўрта мактабни “аъло” баҳоларга тутатди, сўнг, Фарғона Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти кулиётига ўқишга кирди. Олий ўқув юрти эса ҳаёт мактаби ҳамдир. Буни шоир ўша студенлик йилларининг биринчи кунлариданоқ сезди, ўқиш ва билиш кераклигини уқди, шунга амал қилди. Бироқ, ҳаётида шеъриятнинг илк сирларини бувиси Саврибу Сонсизбоевадан олганди. Бу мұтабар зот шоирни халқ оғзаки ижодининг эртак, қўшиқ, ривоятлари билан ошно қилди. Уйкусиз тунларда унинг қулогига ўша ҳамма суйган “Ёрилтош”, “Уч оға-ини ботирлар” эртакларини куйиб борди. Мунгли

¹⁸ “Пешкўргон олмаси”, муаллиф Холмирзаев О., сўз боши Жўра Раҳимники, Чорток-1992 йил.

¹⁹ Холмирзаев О, шахсий архив, 10- папка, 47 варап.

аллалар, кувноқ лапарлар айтиб, ёш набираси қалбига оташ қалади. Кейинчалик шоир бувисидан барча эртак ва қўшикларни ёзиб олди, уларни илм майдонига олиб кирди.

“...Институтда “Ниҳол” номли адабий-бадиий тўгарак бўларди,-деб хотирлайди шоир, -тўгаракда йигирма чоғли йигит-қиз қатнашардик, улар орасида Йўлдош Сулаймон, Махмуд Абдуллаев, Малика Мирзаева, Тоштемир Қодиров, Абдуллажон Абдугофиров, Иқбол Назаров каби иқтидорлар ҳам бор эдики, бу менинг ижодий йўналишимда катта мактаб бўлди”²⁰. Шу баҳона вилоятнинг “Коммуна” рўзномасида болаларга аталган шеърлари чоп этилиб турди. Ўша даврнинг таникли шоирлари Охунжон Ҳакимов, Адҳам Ҳамдам, Нуриддин Бобоҳўжаев кабиларнинг ижодидан баҳраманд бўлди. Рус шоирлари А.С.Пушкин, М.Исаковский, С.Есенин ижоди бўйича маърӯзалар қилди. Ўз навбатида бу шоирни ўкувчиларга танитди. Тез орада унинг номи институт талабалари орасида анча машхур бўлиб кетди.

Шоир изланди, жаҳон адабиётининг дурданалари бўлган асарларни ўқиш ва ўрганиш йўлида тинмади. 1961 йилнинг ноябрида эса у армия сафига чақирилди. У аввал Чечен-Ингуш автоном республикасининг пойтахти Грозний шаҳрида бир йиллик сержантлар, сўнг Новороссийск шаҳридаги юридик ҳарбий билим юрти қошида кичик офицерлар тайёрлаш мактабини битирди. Сўнг Ростов вилоятидаги кисмларда хизмат қилди. Бу ерда у хизмат вазифасини бажариш билан бирга Шимолий Кавказ ҳарбий бўлинмасининг “Красное знамя”, ҳамда дивизиянинг “Гвардеец” рўзномаларининг сайёр муҳбири сифатида фаолият кўрсатди. Натижада рўзномаларнинг ҳар сонида солдат ва офицерлар ҳаётига оид қизиқарли мақолалари эълон қилинди. Айрим холларда эса дивизия ҳамда кисм ҳарбий машқларидан репортажлар бериб борди. Айниқса, ўзбек халки, суюкли Ўзбекистон ҳақида, унинг адабиёти ва санъатига оид мақолалар унинг она юрти, меҳнаткаш аҳли ҳаётидан қизиқарли мақолалар эди.

Шунингдек, у “Литературная газета”, “Красная звезда”, “Огонёк”, “Смена” каби рўзнома ва ойномалар билан ҳамкорликда жуда катта ҳажмда мақолалар уюштириди. “Ҳар куни ёзардим, “Красное знамя” рўзномасининг ҳар сонида мақолам эълон

²⁰ Холмирзаев О “Мактаб-менинг ҳаётим”, илмий-методик рисола, З-бет Шунингдек, ўша йилларда босилган шеърлар ва хикояларда чоп этилган газеталар таҳламлари.

қилинарди. Айниқса, дам олиш бурчагида актив қатнашиб, ўзбек солдатлари учун ўзбек халқ оғзаки ижоди, шоир ва ёзувчилар асарларидан намуналар чоп эттирадим. “Шоир ва ёзувчи ижодхонасида”, “Ижодкор ва армия”, “Дон казаклари ҳақидаги ривоятлар” каби рубрикалар остида берилган макола ва репортажлар барча учун қизиқарли, ҳамда марокли эди,”²¹, деб ёзади шоир. Ҳа, у ҳар куни ёзарди, тинмай ишларди. Уйқусиз тунлар ва кунлар эвазига ижод қиласарди. Шу билан бирга болалар ҳаётидан қизиқарли шеърлар битарди. Ойнома ва рўзнома мухаррирлари, бўлим мудирлари билан ёзишмалар қилиб турарди. Шоир армия сафида бўлишига қарамай республикамизнинг ойнома ва рўзномалари билан бевосита алоқада эди. Айниқса, “Гулхан”, “Ғунча” каби болалар ойнома ва рўзномаларида шеърлари мунтазам босиларди.

Бу ўз навбатида шоир ижодининг шаклланишига ўз улушкини қўшди. Шоир доим ўқиши, ўрганиши, ўз халқи, қолаверса дунё халқларининг урф-одатларини билишга қизиқмоғи, керак томонларини эса ўрганмоғи зарур. Бусиз ижодкор камолотга эришмайди. У армия сафида бўлишига қарамай ёш солдатларни Ростов вилояти музейларига, Краснодон шахридаги “Ёш гвардия”чилар музейига ёзувчи Михаил Шолохов билан учрашувлар ташкил этди. “Бир куни-деб хотирлади шоир, йигирма чоғли солдат билан машхур ёзувчи Михаил Шолохов уй музейига бордик. Учрашдик, сұхбат курдик. Бизни ёзувчи ҳаёти ва ижоди билан таништираётган аёл бир оқ қайнин ўртасига шоир томонидан ясалган ўриндикқа келгач, бу қайнин ёзувчи томонидан экилгани, ўриндикни ҳам шоир томонидан қилинганилиги ва унинг адаб ҳаётида тутган ўрни ҳақида сўзлай кетди. Роса ярим соат гапирди. Шунда мен ўзбек халқи мевали ва мевасиз дов-даражатларнинг минглаб тупини экса ҳам камтарона яшаётганлигидан бироз оғрингандай бўлдим.

Лекин ёзувчи ёзувчида, унинг ҳар бир яратган нарсаси мўйжиза бўлиши табиий эканидан ўзимга таскин бердим. Кенг майдонда биз билан сұхбат қураётган ёзувчига юзландим

-Кечирасиз, сиз ўзбек адабиёти ҳақида қандай фикрдасиз?-деб сўрадим. Ёзувчи мен томон бокди. Бир нимани мулоҳаза қи-

²¹ Холмирзаев О., шахсий архив, ТошДУ га кириш учун ёзилган автобиографиядан

лаётгандай жим қолди, сўнг Дон казакларига хос мағрурлик билан сўз бошлади.

-Нима сен ўзбекмисан?-деди жилмайиб.

-Ха, -дедим мен.

-Ўзбеклар меҳнаткаш, меҳмондўст халқ, Шарқнинг Самарқанд, Бухоро, Кўкон, Тошкент шаҳарлари-ю, Алишер Навоий шеърларидан ўқиганман. Ҳа, анаву Ҳамид Олимжон билан учрашганим ҳам бор-деди у. Бироқ бу жавоб мени қониктирумади. Шунга қарамай дунё таниган ёзувчи билан учрашганимдан бехад хурсанд эдим.

Шоир Оташ Холмирзаев 1962 йилда Москвага борди. У ерда “Литературная газета” бўлим мудири Лев Кассил билан учраши. “Ўша куни сентябрнинг охириги кунлари эди, Ростовда хизмат килардим. Штаб бошлиғимиз полковник Носир ака Абдуллаев чакириб қолдилар. Кирдим. У киши менинг харбийчасига ҳурмат бажо келтиришларимга ҳам парво қилмай:

-Тезда тайёргарлик кўринг, эртага мени Москвага кузатиб борасиз,- дедилар. Ўшанда Носир ака харбий академияда ўқирдилар. У кишини академия ётоқхонасига жойлаштириб, шаҳарга чиқдим. Москва рўзномалари билан ёзма алоқам бор эди. Биринчи бўлиб “Литературка”га кирдим. Эшикни очиб ичкарига кирдиму тўрдаги стулда ўтирган Лев Кассилга кўзим тушди.

- Мумкинми?- дедим мен

- О, Оташ Холмирзаев –деди у киши мени биринчи марта кўраётган бўлса-да, худди эски танишидай ўрнидан туаркан-қалайсиз?

- Яхши,-дедим мен

- Ҳа, - деди шунда Лев Кассил диванда ўтирган ёш аммо кўринишидан анчагина гавдали, қийик кўзли киши томон ўгирилиб,-бу кишини танийсанми?

- Йўқ

- Танишиб ол, Чингиз Айтматов, “Правда” нинг Ўрта Осиё бўйича мухбири. Ҳа, балки унинг асарларидан ўқигандирсан,- деди яна.

- Ўқидим, “Оғонёк” сериясида чиқкан “Жамила” киссасини.

- Ҳа, яшанг. Шу асари уни дунёга танитди,- деди мени ўзи билан диванга ўтиришга унданб.

Мен Чингиз Айтматовга бокдим.

-Кечирасиз, сиз рус тилида ёзасизми?-дедим.

-Ха, -деди ёзувчи.

- Киргиз тилида ҳам ёзганмисиз?

-Ха, -деди у яна қисқа қилиб.

Рости менинг энсам қотди. Аммо барча буюкларда қандайдир сир борлигини билганим холда унга термулдим.

-Савол берсам майлими? –дедим яна у кишини сұхбатга тортиб.

-Марҳамат.

-Асарингиз биринчи марта Францияда босилған дейишади, шу ростми?

Чингиз оға кулди, яна паст овозда:

- Сен нима деб ўйлайсан,- деди қиргиз тилида.

- Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз,-дедим мен ҳам ўзбек тилида.

- Тўғри, биринчи марта Францияда босилди, Луи Аргон таржимасида,-деди у.

... Аммо, Чингиз оғани саволлар, сұхбат дарёсига тўла торта олмадим. Кейин у жуда машҳур ёзувчига айланди. Кўп йиллар унинг ҳаёти ва ижодини кузатиб, шунга амин бўлдимки, ўша камтар, камгап Чингиз Айтматов Ўрта Осиё ҳалқларининг буюк ёзувчиси бўлиши ўша биринчи асаридаёқ барчага аён бўлган экан”²²

Биз бу лавҳаларни бекорга келтирганимиз йўқ. Шоир ўз ҳаёти давомида кўп нарсаға қизикди, тақдир тақозоси билан учрашган шоир ва олимлардан ниманидир олишга, ўз ҳаётида катта бир манбаа сифатида фойдаланишга уринди. Албатта, ўша Михаил Шолохов ва Чингиз Айтматовлар билан учрашувлар ҳам шоир ижодига ва унинг катта оламга кириш йўлида мактаб бўлган бўлса ажаб эмас.

1964 йилда у армиядан захирага чиқарилди. Қишлоққа қайтгач, аввал Пешқўргон қишлоғидаги 26-ўрта мактабда рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлиб иш бошлади. Кейинчалик эса у қишлоқ марказидаги 22-ўрта мактабда ўқитувчи, Чорток туман “Мехнат байроби” рўзномасининг бўлим мудири вазифаларида ишлади.

²² Холмирзаев О., шахсий архив, папка №15, “Кундаликлар”дафтари, 50 сахифа, 1961-64 йиллар.

Шу орада Наманган Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти куллиётини ҳам тугатди. Сўнг қишлоқдаги 46-ўрта мактаб директори вазифасига ўтди.

-Мактабда ишлаш билан директор вазифасида ишлашнинг анчагина нозик томонлари бор эди,-деб хотирлайди шоир, ростини айтиш керак мактаб қаровсиз, шу билан бирга кўпгина синф хоналари авария ҳолатидаги эди”. Бу эса уни янада қаттикроқ илашга ундали. Шу боисдан у ишни аввало аҳил, ишчан жамоа тузишдан бошлади. Сўнг авария ҳолатидаги мактаб ўрнига янги мактаб қурдиришга харакат қилди, бу йўлда у кўп изланди.

Албатта, бу борада “Ленинизм” давлат хўжалигининг директори Ҳакимжон Умрзаков, курилиш бўлими мудири Темурхўжа Нарзуллаев, бўлим бошлиғи Турсунхон Жалаловаларнинг катта хизматлари бўлди. Кун ўтмай мактаб биноси қурилди, жиҳозланди. Ўқитувчилар сараланди, ижодий ва илмий, методик ишлар йўлга қўйилди. Барча ўқитувчиларни педагогик ўқишига жалб этилди. Жуда кўп анжуманлар, илмий ва педагогик семенарлар ўтказилиши катта натижалар борди. Халқ таълими вазири О.Аббасова, ўринбосари В. Барелниковлар ҳам мактабга ташриф буюришди. Мактаб ўқитувчиларидан ўндан ортиғи халқ таълими мукофотларини олишга эришди.

Шунингдек, мактабга Худойберди Тўхтабоев, Рауф Парфи, Шукур Ҳолмирзаев, Тохир Малик, Сафар Барноев, Рауф Толиб, Султон Жаббор, Темур Убайдулло, Анвар Ҳожи, Робиддин Исҳаков, Жўра Раҳим, Иброҳим Мусаев ва бошқа жуда кўп ижодкорлар ташриф буюришди. Бу ёшлар ҳаёти ва ўқишида катта бурилишлар ясади.

Ҳа, инсон кўрса, ўқисагина катта ютуқларни кўлга киритиши мумкин. У бу борада катта ишларни амалга оширди. Мактабда “Иқтидор”, “Фольклорист” каби тўгараклар ташкил қилди, йигирмадан ортиқ ёшларни бу тўгаракларга бирлаштириди ва уларга адабиёт ҳамда халқ оғзаки ижодиёти сирларини мунтазам ўргатиб борди. Наманган вилоятининг Учқўрғон, Янгиқўрғон, Поп, Уйчи, Тўракўрғон ва Фарғона, Андижон вилоятларининг турли шаҳар ва қишлоқларига халқ оғзаки ижоди наъмуналарини йиғиши мақсадида экскурсияларга олиб борди ва фанга маълум ва номаълум юзга яқин халқ достончилари, қўшиқчи ва эртакчиларидан жуда ҳажмда халқ оғзаки ижоди материалларини ёзиб олди, уларнинг кўпларини Алишер Навоий номли адабиёт музейи

ва Ҳамид Сулаймон номли қўлёзмалар институти фондига топширди. У ёзиб олган достонлар орасида “Ҳайдар полвон”²³, “Кунларим”²⁴, “Алпомиш”²⁵, “Юсуф ва Ахмад”²⁶, “Гўрўгли”²⁷, “Райхон араб”²⁸, “Шоҳдорхон”²⁹, “Юлдуз билан Кундуз”³⁰, “Ёзи билан Зебо”³¹, “Тўлаб Ботир”³², “Ойсанам”³³, “Авазнинг арази”³⁴ ва бошқа юзга яқин достон фанимиз учун мерос қилиб қолдирилди. Бу ижодкор ҳаётидаги катта ижобий ишларидан эди.

Шунингдек, шоир Оташ Холмирзаев фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Малик Муродов раҳбарлигида бир неча йил Ҳамид Сулаймон номли Қўлёзмалар институти ва Алишер Навоий номли адабиёт музейида илмий кузатишлар олиб борди. Шу билан бирга “Фаргона ҳалқ достончилиги” (Фаргона ҳалқ достончилари репертуарида “Гўруғли” туркум достонларнинг тутган ўрни) мавзусида илмий иш ҳам қилди. У ўрганган Чутбой бахши, Жумабой бахши, Бўри Содик ўғли, Усмон Маматқул ўғли, Ҳайдар Бойча ўғли, Раззок бахши Қозоқбой ўғли, Алим шоир Ниёз ўғли, Омон ва Мамасодик Раззок ўғиллари каби

²³ “Гуругли”, айтувчи Раззок бахши Қозоқбой ўғли, ёзиб олувчи Оташ Холмирзаев, Ҳамид Сулаймон номли Қўлёзмалар институти ва А. Навоий номли Адабиёт музейи фонди, №263, 1975 й.

²⁴ “Кунларим”, айтувчи Раззок бахши Қозоқбой ўғли, ёзиб олувчи Оташ Холмирзаев, Ҳамид Сулаймон номли Қўлёзмалар институти ва А. Навоий номли Адабиёт музейи фонди, №260, 1967 й.

²⁵ “Алпомиш”, Раззок бахши Қозоқбой ўғли, ёзиб олувчи Оташ Холмирзаев, Ҳамид Сулаймон номли Қўлёзмалар институти ва А. Навоий номли Адабиёт музейи фонди № 8381, 1975 й.

²⁶ “Юсуф ва Ахмад” айтувчи Омон Раззок, ёзиб олувчи Оташ Холмирзаев, Ҳамид Сулаймон номли Қўлёзмалар институти ва А. Навоий номли Адабиёт музейи фонди, №226

²⁷ “Гуругли”, айтувчи Раззок бахши Қозоқбой ўғли, ёзиб олувчи Оташ Холмирзаев, Ҳамид Сулаймон номли Қўлёзмалар институти ва А. Навоий номли Адабиёт музейи фонди, №263, 1975 й.

²⁸ “Райхон араб”, айтувчи Раззок бахши Қозоқбой ўғли, ёзиб олувчи Оташ Холмирзаев, Ҳамид Сулаймон номли Қўлёзмалар институти ва А. Навоий номли Адабиёт музейи фонди, №227.

²⁹ “Шоҳдорхон”, айтувчи Абдуазиз Абдураззаков, ёзиб олувчи Оташ Холмирзаев, Ҳамид Сулаймон номли Қўлёзмалар институти ва А. Навоий номли Адабиёт музейи фонди №261, 1959 й.

³⁰ “Юлдуз билан Кундуз” айтувчи Раззок бахши Қозоқбой ўғли, ёзиб олувчи Оташ Холмирзаев, Ҳамид Сулаймон номли Қўлёзмалар институти ва А. Навоий номли Адабиёт музейи фонди, №275, 1973 й.

³¹ “Ёзи билан Зебо” айтувчи Раззок бахши Қозоқбой ўғли, ёзиб олувчи Оташ Холмирзаев, Ҳамид Сулаймон номли Қўлёзмалар институти ва А. Навоий номли Адабиёт музейи фонди, № 351, 1976 й.

³² “Тўлаб ботир”, айтувчи Мамасодик Раззок ўғли, ёзиб олувчи Оташ Холмирзаев, Ҳамид Сулаймон номли Қўлёзмалар институти ва А. Навоий номли Адабиёт музейи фонди №264, 1975 й.

³³ “Ойсанам”, айтувчи Абдуазиз бахши, ёзиб олувчи Оташ Холмирзаев, Ҳамид Сулаймон номли Қўлёзмалар институти ва А. Навоий номли Адабиёт музейи фонди, № 6629, 1978 й.

³⁴ “Авазнинг арази”, айтувчи Раззок бахши Қозоқбой ўғли, ёзиб олувчи Оташ Холмирзаев, Ҳамид Сулаймон номли Қўлёзмалар институти ва А. Навоий номли Адабиёт музейи фонди, №261.

Ўнлаб достончиларнинг асарлари асосида “Адабий мерос”, “Востоковедение”, “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Ўзбекистон социал таъминоти” ҳамда Наманган давлат педагогика институтининг илмий мақолалари жамланган рисолаларида 40 дан ортиқ мақолалари чоп этилди. 1984-93 йилларда у республика миқёсидаги Т.Н.Қори Ниёзий номли 115-мактаб – интернат директори вазифасига ўтказилди. Мактаб-интернат Боғистон қишлоғининг Занг массивида, янги ўзлаштирилган ерда ташкил этилиб, унинг курилиш ишлари эндиғина бошланган эди. Олти ой деганда бино битказилиб, 1985 йил февраль ойида иш бошланди. Кўп ўтмай республикага машхур бўлиб кетган бу мактаб-интернат кўрилиши-ю, ўқитувчилари ҳамда иқтидорли ўкувчиларига бош-қош бўлди, бир йил ўтгач, 460 ўринли ётоқхона курилиши ҳам бошлаб юборилди.

Бу воқеаларни нега ёзаяпмиз. Сабаби, шоир нафақат шоир, у педагог, раҳбар, журналист ҳам. Шу боис ҳам унинг ҳаётида муҳим из қолдирган воқеаларни эслаш, ёдга олиш ва у қилган ишларга баҳоли кудрат баҳо бериш ҳам вазифаларимиздандир.

Ҳаёт қисқа. Аммо уни турли кўринишда ўтказиш мумкин. У кирк йиллик педагогик ва журналистик ҳаётида жуда кўп ибратли ишларни амалга оширди. Баъзилар у қилган ишларга ҳайрат билан, баъзилар эса беписанд карадилар. Аммо у ҳар қандай холатда ҳам шоир бўлиб қолди.

Эли, юрги, қишлоғига фойда келтирди, шеър ва киссалар ёзди, вақтли матбуотда фаол қатнашди. 1995 йилда эса шоир 55 ёшида нафақага узатилди. Сўнг Пешкўргон қишлоқ “Нуроний” жамғармасининг раиси вазифасига ўтди. Мана бугун ҳам Пешкўргондек катта бир қишлоқнинг мингдан ортиқ нафақаҳўрларига бош, шу билан бирга “Чорток хақиқати” газетаси қошидаги “Бўстон”, “Махорат мактаби” газетаси қошидаги “Иқтидор” тўгаракларида қатнашा�ётган 50 дан ортиқ ижодкорларга устоў, шунингдек болаларнинг “Олтин тож” газетаси мухаррири. Бу ўз навбатида ижодий ишларида кўмак бермоқда, иқтидорли ёшларга муррабийлик қилаётгани ва улар томонидан яхши асарлар яратадиганликларидан мамнун. Натижа эса самарали. Кейинги 20 йил ичida 20 дан ортиқ ёшлар китоблари чоп этилди. Бу ишлар унинг улкан ютуғи эди.

ОТАШ ХОЛМИРЗАЕВ –БОЛАЛАР ШОИРИ

Шоир Оташ Холмирзаев ижодини уч бўлакка бўлиб ўрганиш керак. Бу биринчиси болалар шеърияти, иккинчиси эса халқ оғзаки ижоди, учинчиси насрда қилган ишларидир. Албатта, катталар учун ёзилган шеърлари ҳам бундан мустасно эмас. Келинг, аввал унинг болалар шеърияти ҳақида гап юритайлик. У бу борада жуда катта ишлар қилган. Ўша ўкувчилик йилларидаёқ газета ва журналларда фаол қатнашди. 1957 йилда “Ленин учқуни”³⁵ газетасида унинг ўнлаб шеърлари чоп этилди. Келинг, улардан бирига назар ташлайлик.

Зобит ака шапкасин,
Жаъфар кийиб бошига.
Кўча сари чопқилар,
Бостирганча қошига.

-О-хо акам келдилар,
Ўртоқлари учрашар.
Термулишиб шапкага,
-Бу нима-деб сўрашар?

-Бу командир шапкаси,
Самолётнинг расмида.
-Самолёти ҳам борми?
-Ўша ёқда қолди-да.

Энди акам қишлоқда,
Тракторлар минмоқчи.
Шапкасини-чи менга,
Совға қилиб бермоқчи.

Шоир шеърда армия сафидан қайтган акаси ва боланинг руҳий ҳолатини, унга бўлган муносабатини, ўша 1957 йилдаги армиянинг қискартиш эвазига ҳаёт кучогига қайтган минглаб солдат ва сержант ҳамда офицерлар ҳақида ёзганлиги аниқ. Буни бугун ҳам, бугунги кун зобитига йўйса ҳам бўлади. Аслида яхши шеърнинг кудрати шундан иборат бўлмоғи керак.

³⁵ “Ленин учқуни”³⁶ рўзномаси, 66-сон, 3 бет.

Зеро, шеър минг йиллаб ўз куч ва қудратини йукотмаган ҳолда яшамоги зарур. Ёки шоир китобларга кирмаган, аммо архивда сақланыётган бир шеърни “Бувим ва мен”³⁶ деб атайди ва шундай сатрлар битади.

Бувимларга Замира,
Бўлар экан набира.
-Мен-чи, сизга ким ўзи?
Дедим ўйнатиб кўзим.

Бувимлар кўз ойнагин,
Қўлга олиб бокдилар.
Пешонамдан юз ўпиб,
Жонларини қокдилар.

-Сен ҳам менга набира,
Ҳатто Мунис, Дамира.
Аммо сенчи, кувноғи,
Ҳам тойчоғим, думбоғим.

Ойнома ва рўзномалар, дид билан тикиб қўйилган папкалардаги шеърларга назар ташлаб, шоир ижоди мавзусини нақадар ранг-баранг ва замонавий эканига тан берасан киши. Кулимизда бироз сарғайган “Ғунча”ойномаси..Унда чоп этилган “Нон”³⁷ шеърини ўқиймиз.

Бурда нонни
Увол қилманг,
Тўкманг асло увокни.
Ҳар кун шундай,
Берар бизга
Боғча опам сабоқни.
Нондир улуг,
нондир азиз,
Ўсар бизнинг онгимиз.
Шу нон билан,
шу онг билан,

³⁶ “Бувим ва мен”, шоирлар болаларга, “Ленин учкунни”, 29 апрел 1980 й.

³⁷ “Ғунча”, Оташ Холмирзаев, “Нон” шеъри, №6, май 7 бет.

Бошланади тонгимиз.

Бундай шеърларни жуда кўплаб учратиш мумкин. Уларнинг аксарияти “Ёш гвардия”, “Камалак” ва бошқа ҳашриётлар томонидан чоп этилган “Юлдузча”, “Бойчечак”, “Камалак” каби тўплам ва алманаҳларда, Чорток, Янгиқўргон, Поп, Уйчи, Тўракўргон ва бошқа туманлар рўзномаларида, “Наманган ҳақиқати”, “Мураббий”, “Сухбатдош”, “Хайрат”, “Камолот” каби вилоят ҳамда республикамизнинг “Гулхан”, “Фунча”, “Звезда Востока”, “Мехнат”, “Саодат” каби ойномаларида чоп этилган. 1979 йилда эса шоир “Гулхан”³⁸ ойномасининг лауриати унвонига сазебор бўлди. Зоро, ўша 1970 -80 йиллар ичida ойнома саҳифаларида юздан ортиқ шеърлари чоп этилди. Хатто болалар хаётидан туркум шеърлари эълон қилинди. “Гулхан” саҳифаларида эълон қилинган “БАМ этюдлари”, “Биз табиат шайдоси” каби шеърий туркумлар унга шуҳрат келтирди. Натижада у “Гулхан” журнали лауриати бўлди. Лауриатлар орасида эса Шукур Холмирзаев, Нурали Қобул, Тўра Норбоев каби ижодкорлар ҳам бор эди. Болалар йили муносабати билан эса ёшлар мукофоти совриндори бўлди.

Вилоят ойнома ва рўзномаларида ҳам ижодкорнинг кўпгина шеърлари чоп этилди, мақолалари эълон қилинди. Шоир Оташ Холмирзаев ҳақида Ҳабиб Саъдулла, Санобар Ҳасанова, Нуритдин Бобохўжаев, Саиджон Исоқовлар ўша кунларга мос ва хос битиклар ёздилар. Жумладан, Янгиқўргон туман маданият бўлимининг мудири бўлиб ишлаган, коросконлик журналист Саид Исок “Фан ва маданиятимиз юлдузлари бўлган шоир ва олимлар халқ орасидан жамоатчиликнинг меҳр-мухаббатини қозониб етишадилар. Бундай ижодкорлар туманимизда жуда кўп. Робитдин Исҳоков, Жўра Раҳимов, Оташ Холмирзаев, Собир Турғун, Нурхон Набижонов, Муборак Самандарова, Иброҳим Мусо, Мурод Азизлар ўз шеърлари билан мухлислар хурматини қозонмоқдалар,-”³⁹ деб ёзганида ҳақ эди. Оташ Холмирзаев эса ҳар куни ёзарди, матбуотда фаол қатнашарди. Бу унинг катта ютуғи эди. Аслида ҳам ижодкор шундай бўлиши керак эди. Биз шоир архивларини ўрганиш жараённада шуни сездикки, унинг туман, вилоят ва республика матбуотида ҳар куни бир мақоласи, ёки шеъри, ёки хикояси босилганлиги гувоҳи бўлдик. Кўлимизда болаларимизнинг “Фунча” ойномаси, шоир ўша 1970-80-йиллар ичida ўзининг болаларбоп шеърлари билан ойномада фаол

³⁸ “Гулхан”, 12 сон 1979, 27 бет (сурати билан)

³⁹ Саид Исок, “Наманган ҳақиқати”, 9 октябрь, 1975, №199.

қатнашган. Мана, унинг бир шеъри. Шеър “Аргамчига қил кувват”⁴⁰ деб аталади. Шоир бу асарида болаларни меҳнатга чорлайди, уларни меҳнат орқали баҳт топиш мумкин деган гўя билан қуроллантиради.

1974 йил “Гулхан”ойномасида эса шоирнинг икки шеъри чоп этилган. Бу шеърларнинг бири “Укамга” деб аталса, иккинчиси эса “Бирлашган ўзар”⁴¹ деб аталади..

Глобусни кўтариб,
Дер укам Сафар.
-Ака ерни бош узра
Кўтарсам агар.
Сувлар тошиб кетмасми,
Дарёларидан?
Осмон тушиб кетмасми,
Бошимга бирдан ?
-Йўқ укажон, гар ерни,
Тутсанг кўлингда.
Бахту иқбол порлагай
Доим йўлингда.

Шоир бу шеъри билан ёшларни билимга, фан сирларини ўрганишга чорлайди. Албатта, бу борада янада кўп ва хўб гаплар айтиш мумкин. Йиллар давомида болаларга аталган “Мустақиллик болалари”, “Максадбекнинг беклиги”, “Шодивойнинг дўстлари”, “Соғинганларим”, “Фасллар беланчаги” каби ўнлаб китоблари чоп этилди. Бу китобларга кирган барча шеърлар болаларни эзгуликка чорлаши аник.

Шуниси хам борки, тўпламу газеталарда босилган барча шеърлардан келган обрў ва эътибор уни марказга чорлади. Натижада у жуда катта ижодкорлар билан танишди, бирнеча бор Республика телевидениясининг меҳмони бўлиши билан бирга Тошкент шахри мактабларида ўтказилган кеча ва учрашувларда хам актив катнашди. Бу болалар шоири сифатида кенг омма орасида танилишига олиб келди. Ўша йиллар матбуотда шоирнинг насрый асаллар битаётгани ва бу ишда катта ютукларга Эришганлиги ҳакида хам анчагина яхши гаплар айтилган эди. Филология фанлари номзоди, шоир Нуриддин Бобохўжаев ўзининг “Образ ва замонавийлик”⁴² мақоласида “очерк ва лавҳа жанрида самарали ижод килаётган ва катта ютукларга эришаётган

⁴⁰ “Гуича”, №7 июль, 1979 йил, “Аргамчига қил кувват” шеър, 7 бет.

⁴¹ “Гулхан”, №9 сентябрь, 1974, “Укамга”, “Бирлашган ўзар” шеърлар, 11бет.

⁴² Бобохўжаев Нуриддин, “Образ ва замонавийлик”, “Наманган ҳакиқати”, 1977йил.

ижодкорларимиз вилоятимизда анчагина. Улар замонамизнинг улкан ишларини тўгри ва оқилона баён этмоқдалар. Айниқса, Абдуфаттоҳ Ражабов, Ҳабиб Саъдулла, Гуломжон Акбаров, Аҳмад Турсун, Файзулло Сирожиддинов, Фарҳод Йўлчиев, Оташ Холмирзаев, Абдурахмон Отажанов, Абдулла Жалил, Абдулла Абдугофуров сингари қалам соҳиблари анчагина мақбул очерклар яратдилар,”⁴³ деб ёзганда ижодкор Оташ Холмирзаевнинг насрда ҳам яхшигина ижод килишини таъкидлаган эди.

Кузатишларимиз ва архив материалларини ўрганиш шуни кўрсатдики, ижодкор жамламасида ўнлаб қиссалар, ҳикоялар ҳаётий лавҳалар борлиги бизни қувонтириди. Унинг архивида “Дилбар”⁴⁴, “Ер остидаги ёқут”⁴⁵, “Биринчи муаллим”⁴⁶, “Мусафро осмон остида”⁴⁷, “Афғондан қайтган рухлар”⁴⁸, “Қафтдаги чўг”⁴⁹, “Қиёмат”⁵⁰, “Тақдир эшиги”⁵¹ каби қиссалари ҳам ўрганишга ва ўқувчилар ҳукмига ҳавола этишга муносиб эканлигини тўла англаб етдик.

Бироқ, бу асарларнинг кўпчилиги жуда долзарб масалаларни кўтарилишига қарамай негадир чоп этилмаган. Бу ҳақда шоир шундай дейди: “Ҳаёт жуда мураккаб, айниқса, иқтидор эгалари нақадар ноёб, уларга ўз фикр-мулоҳазаларингизни етказишининг ўзи катта иш. Асар ёзилган, аммо уни чоп эттириш ўша ўтмишда ҳам, бугун ҳам озоб. Тўғри, жуда ноёб асарлар бўлса ҳам у босилмай қолиши мумкин. Ҳатто, Чингиз Айтматовдек талантли ёзувчининг “Жамила” қиссаси Қирғизистон Республикасининг “Ала Тоо” ойномасида босилмаганилиги хақида маълумотлар бор. Асар Францияда босилгач, сўнг Москва ва Қирғизистонда чоп этишга қарор қилганлар.

Гап бунда эмас, балки асарлар ҳали қиёмига етмагандир. Чунки, адабиётимиз жаҳон миқёсига тўлалигича чиқа олмаётир. Ҳали биз кўп нарсада орқадамиз. Буни тан олмасликка иложимиз йўқ. Шунга қарамай ёзib қўйилган асарлар, папкаларда чанг босиб ётибди, балки бир кун келиб қадрдан фарзандлар, меҳрибон дўстлар, ёки иқтидорли шогирдлар бу асарлар қадрига етар, етмаган тақдирда “шундай асарлар ёзган эканда-а,” дея хурсанд

⁴³ Холмирзаев О., “Дилбар”, қисса, шахсий архив, 10 папка, 1-100 саҳифа.

⁴⁴ Холмирзаев О., “Ер остидаги ёқут”, шахсий архив, 12 папка, 20-87 саҳифа.

⁴⁵ Холмирзаев О., “Биринчи муаллим”, шахсий архив, 13 папка, 1-76 саҳифа.

⁴⁶ Холмирзаев О., “Мусафро осмон остида”, шахсий архив, 14 папка, 1,165 саҳифа.

⁴⁷ Холмирзаев О., “Афғондан қайтган рухлар” шахсий архив, 16 папка, 1,147 саҳифа.

⁴⁸ Холмирзаев О., Қафтдаги чўг”, шахсий архив, 17 папка, 1-156 саҳифа.

⁴⁹ Холмирзаев О., “Тақдир эшиги”, шахсий архив, 18 папка, 1-256 саҳифа.

⁵⁰ Холмирзаев О., “Қиёмат”, шахсий архив, 1-134 саҳифа.

бўлар. Бу борада яна кўп гаплар айтиш ва мулохаза хам қилиш мумкин. Зоро, адабиёт қонун-коидалари, бадияти, унинг элга ва юртга фойдаси хам инобатга олинади, албатта.

Кўйингчи, унинг архивида чанг босиб ётган барча асарлар, халқ оғзаки ижодидан тортиб, ҳали босилиб улгурмаган юзлаб шеърлар ва қисса, ҳикоялар ҳеч бўлмаганда болажонларнинг катта бойлигидир.

ШОИР ТҮПЛАМЛАРИ ХАКИДАГИ ЎЙЛАР

Шоир Оташ Холмирзаевнинг ҳозирга қадар ўттизта китоби чоп этилган. Уларнинг аксарияти болаларга аталган шеърлардир.

... “Ростини айтишим керак, шеър битганим билан тўплам чиқаришга унча ошикмадим. Балки, бу шеърларим тўла қиёмига етмаганидандир. Аммо, тўпламсиз шоир шоир бўлиб танилмаслигини ҳам билардим. Шу боисдан Тошкентга ҳар ойда бориб туардим. Ҳатто нашриётларда ҳам танишларим, қадрдон дўстларим бор эди. 1974 йилнинг баҳор ойларида Тошкентга бордим ва у ерда Анвар Хожи билан учрашиб қолдим. Шеърларимни кўрсатдим. “Яхши, деди у.- тўплам қилса бўлади”. Шундай қилиб тўплам тайёрладик, аввал “Юлдузча” тўпламида бир даста шеърларим босилиб чиқди, кейин “Осмондаги дарвоза” китобим чоп этилди,»- деб хотирлайди, шоир.

Кўп ўтмай республикамизнинг “Ёш ленинчи” рўзномасида Сафо Матчоннинг⁵¹ “Ижод давони”⁵³ номли мақоласи зълон қилинди. Кейинги даврда болалр адабиётида шеърият ихлосмандларининг ҳурмат ва зътиборини қозонган Нарзулла Умаров, Музаффар Тўрабов, Оташ Холмирзаев, Қилич Шукурий, Тошпўлат Холматов, Умида Абдуазимова каби ижодкорлар кириб келмоқдаки, улар давр талаби, ҳаёт тақозоси билан болалар адабиёти олдидаги актуал масалаларни ёритмокдалар. Шулардан бири Оташ Холмирзаев бўлиб, унинг “Осмондаги дарвоза”⁵² тўплами, болаларимиз қалбига йўл топа олади деган умиддаман,»- деб ёзган эди Сафо Матчон. Бу унинг илк тўплами эди. Аммо шоир бу билан тўхтаб қолмади, ижод қилди, ўқиди, ўрганди ва тўпламлар чиқаришга ҳаракат қилди. Зоро, ҳар қандай замонда “сендан ҳаракат, мендан баракат”, деган нақлга амал қилиш керак, деган гоя уни тинч ўтиришга куймасди. Кўп ўтмай “Бизнинг карвон”номли тўплами чоп этилди. Бу тўпламдаги шеърлар ҳам болаларга аталган бўлиб, китобга кенг жамоатчилик, олимлар ўзларининг илик фикрларини билдиридилар. Тўғри, айрим холларда шоир шеъриятида соддалик бордай. Аммо бу соддалик болалар адабиётининг муҳим томони эканлигини англаш етиш лозим. Шоир ўша тўпламга кирган битта шеърида давр

⁵¹ Матчон Сафо, “Ижод давони”, “Ёш ленинчи”, 16 апрель, 1975 йил.

⁵² Холмирзаев Оташ, “Бизнинг карвон”, “Ёш гвардия” нашриёти, Тошкент-1978 й.

ёшларининг кувноқлиги, баҳтиёрлигини кўрсатмоқчи бўлди. Бу шеърнинг номи ҳам “Ўйин”⁵⁴ деб аталади. Мана ўша шеър.

Сотим чалар ногора,
Доирада Нигора.
“Андижон полка”сига
Ўйинга тушар Сора.
Така-тум, тарам-тарам,
Давра олиб кўрамиз.
Ўйин чиқса авжига
Гаштини ҳам сурамиз.
Чапак чалдик барчамиз,
Ўйнамаган қолмади.
Дўстимиз Сотимни-чи,
Қўли асло толмади.
Бизлар жуда баҳтлимиз,
Хушвакт ўтар вактимиз.
Она юртни севмоқлик
Бизнинг мангу аҳдимиз

Кейинчалик унинг суратли “Момоқаймоқ” тўплами ҳам чоп этилди. Албатта, болалар учун суратли китоблар чоп этиш анча мушкул. Бу ерда шоир, рассом, муҳаррир ва яна кимларнингдир саъй-ҳаракатлари керак. Шунга қарамай шоир бир неча бор Тошкентга қатнади, китобни чоп этиш йўлида уринди ва натижага эришди. Ўнтахина шеърдан иборат бўлган бу китоб тез орада мухлисларини топди. Тўпламга кирган “Дўстлик”, “Баҳор” ва бошка бир неча шеърлари бастакор Аваз Мансуров томонидан кўшиқ қилинди. Республика телевидениеси таклифига кўра эса бастакор Шермат Ёрматов томонидан куй басталанди ва у раҳбарлик қилаётган болалар хорида ижро этилди. Ўша йили телевидение орқали эшиттирилди. Бу орада шоир Тошкентга боради ва “Гулхан” ойномасининг бўлим мудири Темур Убайдулло билан “Болалар ва ўсмиirlар” муҳарририяти кўрсатуvida қатнашади. Телевидениядаги бу чиқишлир ва шоирлар Пўлат Мўмин, Сафар Барноев, Руф Толиб, Султон Жабборовлар билан Тошкент мактабларида ўтказилган учрашувлар унинг ижодига ижобий таъсир кўрсатди. 1980-90-йиллар шоир асосан болалар учун шеър ёзди. “Юлдузча”, “Бойчечак” каби тўплам-

ларда ўнлаб шеърларини чоп этилди. Ойнома ва рўзномаларда фаол қатнашиб, ўша йилларда 30 дан ортиқ Фарғона халқ достончилигига оид илмий мақолалари ҳам эълон қилди.

1990-95 йиллар ичida эса унинг “Пешкўргон олмаси”, “Мактаб-менинг ҳаётим”, “Адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди”, “Довон” номли қиссаси, “Сени доим кутаман баҳор” номли шеърий китоби (лотин алифбосида), 1998 йилда шоир Робиддин Исҳоков билан ҳамкорликда “Мустақиллик болалари” каби шеърий ҳамда “Пешкўргон мадҳи” номли қишлоқ тарихига оид китоби чоп этилди.

Шоир шу йили Пешкўргон ва пешкўргонликлар ҳақида “Ҳамқишлоқлар” номли очерк ва лавҳалар китобини ҳам чоп эттиради. Бу китоб шуниси билан характерлики, шоир-ёзувчи ўзи туғилиб ўсган она қишлогининг мард, жасоратли кишилари ҳақида дилдан ёзади. Бу унинг ҳамюрлари ҳаёти ва уларнинг катта меҳнатига берган фарзандлик қарашлари ҳамда баҳоси эди.

Шоир шу йиллари поромонлик шоирлар Робиддин Исҳоков ва Мурод Тиллоларнинг “Ҳайқирик”⁵³ ва “Ўнгор қўшиклари”⁵⁴ китобларига мухаррирлик ҳам қилди. Бу унинг мухаррир сифатида қилган илк ишлари бўлишига қарамай китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинди ва яхши баҳо берилди. Ҳозиргача у йигирмадан ортиқ ёш шоирлар китобига мұхар-рирлик қилди. Улардан Дилдора Исмоилова, Турсуной Ортикова, Марҳабо Қосимхўжаева, Навбаҳор Ҳайдарова, Расул Бек, Дилноза Абдуғаниева, Раҳмонберди Нарзуллаев, Азиза Неъматова, Шукур Жаббор, Зулфия мукофоти совриндори Ҳулқарой Сулаймонова, “Келажак овози” кўрик-танлови совриндори Хуршида Нишанова, Зулфия номли Давлат мукофоти Республика босқичи қатнашчиси Феруза Мурадова, “Янги авлод” кўрик-танлови совриндорлари Садокат Одилова, Юлдуз Усмонова, ижодкор-тадбиркор кўрик-танлови соҳиби Саида Сидиқова, Азиза Дадамирзаева каби ўнлаб ёшларни кўрсатиш мумкин. Буларнинг бари шоир ва ёзувчи Оташ Ҳолмирзаевнинг кенг қамровли ижодкор эканидан далолатdir. Зеро, шоир чекка бир қишлоқда яшаб, адабий мұхит ва шароит танқислигига қарамай, ўнлаб китоблар чоп эттирган ва папкаларда ҳали чоп этилиши кутилаётган асарлари анчагина эканлиги бизни қувонтириди. Биз ушбу изланишимизда унинг ижоди қайси

53 Исҳоков Робиддин, “Ҳайқирик” шеърлар, “Наманған” нашриёти, 1997йил.

54 Мурод Тилло, “Ўнгор қўшиклари” “Наманған” нашриёти, 1995йил.

йұналишда борган, қандай мавзуларда ёзған ва ижод қилған, қайси мавзу унинг асосий иходини белгилаган каби саволларга ҳам жавоб изладик.

Шоирнинг ilk китоби юқорида қайд этганимиздек, “Осмондаги дарвоза”деб аталиб, у кичик ва ўрта ёшдаги болаларга аталған. Мавзу болалар ҳаёти, уларнинг Ватанга, она қишлоғига ва буюк алломаларга бўлган муносабатидан иборатдир. Ундаги “Кичик уста”, “Орзу”, “Ошпаз”, “Солдат бўлгим келади”, шеърлари асосан ёшларни меҳнатга, уни севишга чорлайди. Шоир “Уста” шеърида:

Бизнинг ёш уста
Ҳар ишга қодир.
Мехнатни севган,
Бўлар баҳодир,

дэя хулоса қилади. Демак, меҳнат ҳар қандай шароитда шон-шараф иши эканлигини ўқтиради. Ёки шоир “Ошпаз” шеърида шундай сатрларни битади.

Менинг акам катта ошпаз,
Оқ қалпоғи бошида.
Эгнида оқ ҳалати-ю,
Шогирдлари қошида.

У пиширган овқатлардан,
Еган оғиз ёғ бўлар.
Доим уни макташганда,
Менинг кўнглим чоғ бўлар.

Шоир ҳақ. Ҳар қандай инсон хунар ўрганиши ва ана шу хунари билан юртига ҳалол хизмат қилмоғи керак. Бу шоирнинг ҳикмати. У барчани хунар ўрганишга ва шу хунар орқали обрў ва эътибор топиши мумкин эканлигини ўқдирап экан, бу ҳаёт фалсафаси эканлиғига тан бермай иложимиз йўқ.

Тўпламда дўстлик, одамийлик, ахлок ва одобга бағишлиланган шеърлар ҳам анчагина. Зоро, болалар адабиёти, бола тилидан ҳаётимизда учраган айрим камчиликларни ҳам айтиши ва шу орқали таълим-тарбияга ўз хиссасини қўшиши табиий.

Бу борада унинг “Бешни бешга қўшомай”, “Ўқув қуроллари мажлиси” каби шеърлар болани билим олишга ҳамда ўқув қуролларини яхши саклашга ундовчи асарлар бўлиб, бу асарларда кўтарилган масалалар ўша даврнинг муҳим мавзуларидан эди.

Бешни бешга күшолмай,
Саттор тишлиар бармоғин.
Айтгиннеча бўлар деб,
Туртиб кўяр ўртоғин.

Ушбу сатрларданоқ шоир Саттор каби болаларнинг билимсизлигидан кулади. Уларни барча фан қатори ҳисоб дарсидан ҳам билимдон бўлишга чорлайди. Ёки, юқорида айтиб ўтганимиздек, “Ўкув қуроллари мажлиси” шеърида шундай сатрлар бор:

Барча синф қуроли,
Бир синфга бўлди жам.
Раислик қилди китоб,-
Сўз сумкага дер шу дам,
Сумка бир оз эгилиб,
Минбар сари олди йул,
Адҳам деган боладан,
Сўз бошлади жуда мўл.

Шоир шу билан тўхтамайди. У Адҳам каби болаларнинг ўкув қуролларини ёмон тутаётгани, улар лой, чангга беланиб кетгани ва охир оқибатда тез кунда тугаб битаётганлиги ҳақида кўйиниб гапиради. Айни, китоб, дафтар, ручка ҳамда резинкалар нолиши қалбга бориб етади. Шоир шеър охирида ўз хулосасини шундай ифодалайди.

Қани Адҳам кабилар,
Мактабларда бўлса оз.
Ўқув қурол кўп яшаб,
Бўлар эди жуда соз.

Шу мажлисда қатнашиб,
Хулоса қилиб қайтдим.
Ўқув қурол мажлисин,
Шеър қилиб сизга айтдим.

Ушбу тўплам ҳақида сўз айтган олим Сафо Матчон: “Тўпламга кирган асарлар ўз гоявий мазмуни ва тасвир услуби билан жажжи китобхон тасаввурини бойитади, ҳиссиётига таъсир этади Хулоса қилиб айтганда “Осмондаги дарвоза” болалар учун шубҳасиз яхши тухфа бўлди”,⁵⁵ - деб ёзганда ҳақ эди. Биз ҳам олим

⁵⁵ Сафо Матчон “Ўшз макола”.

фикрларига қўшилган ҳолда бу тўплам шоирнинг илк китоби бўлишига қарамай, яхшигина ютуғи деб айта оламиз.

Тўғри, шоир шеърларида ҳали мөъёрига етмаган мисралар ҳам бор. Бироқ бу унинг ижод йўлига тўсик бўлолмайди. Зеро, ҳар қандай ижодкор хаётида илк тўпламлари жузъий камчиликлардан ҳоли бўлмаган.

“Поэзия,- деб ёзганди олим Очил Тогаев “Ижод ва идрок”⁵⁶ китобида,-қалбга яқин ғоят нозик ҳамда қудратли кучдир. Нозиклик ва қудратлилик-бир-бирига зиддиятли бу икки тушунчани айни бир вактда ўзида мужассамлаштирган поэзиянинг сеҳрли кучи улкан ижтимоий мазмунни юксак нафосат ва назокат билан жозибали ифодалашдир. Ҳўш, болалар адабиётидачи? Бу борада шуни айтишимиз керакки, болалар учун яратилаётган барча асарлар қалбга яқин, ғоят нозик ҳамда қудратли куч бўлиши билан бирга, бола тилидан содда ва равон терзда айтиладиган катта қўшиқдир”.

Шу нуқтаи назардан қараганда Қудрат Ҳикмат, Зафар Диёр каби болалар шоирлари катталар шеърияти каби бола дили ва тилидаги гапларни ёзиши ва улар дилига етказа олиш борасида ибрат намуналарини кўрсатган эдилар.

Шу билан бирга юқорида зикр этилганидек поэзия сехри билан бола дилини қуроллантира олишдек катта қобилият керак эди. Албатта, бу борада шоир Оташ Холмирзаев ҳам ўз тенгқурлари Йўлдош Сулаймон, Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон, Сафар Барноев, Султон Жаббор, Рауф Толиб, Абдураҳмон Ақбар ва бошқа ижодкорлар сингари болалар адабиёти сарчашмаларига чуқур шўнғиб боради. Бу унинг 1978 йилда чол этилган “Бизнинг карвон”⁵⁷ тўпламида якқол кўзга ташланди. Унинг бу тўпламга кирган шеърлари ҳам ҳар галгидек она-Ватан, юрт тарихи, ахлоқ ва одоб, меҳнат, болаларнинг баҳтили ҳаёти, дидактик қарашлар акс этиб, ўша давр болалар ҳаётини чуқур шеърий тахлил этади. Тўплам “Она юрт авлодимиз” шеъри

⁵⁶ Очил Тогаев “Ижод ва идрок”, адабий-танқидий маколалар китоби, Фафур Ғулом номидаги Адабиёт вав сағъат нашриёти, 1982 95-бет.

⁵⁷ Холмирзаев О., “Бизнинг карвон”, шеърлар, муҳаррир Сафар Барноев, “Ёш гвардия” нашриёти, Тошкент 1978 й.

билин бошланади. Шоир бу асарида бепоён юртимизда юздан ортиқ миллат ва элат болалари иноқ ва күвнөк яшаётгандыларини тараннум этади.

Биз ўртоқмиз,
Биз инокмиз,
Биз ўн бешта боламиз.
Кўришмасак бир кун агар,
Софинишиб қоламиз.

Шоир ҳақ. Дунё битта, халқлар кўп. Улар иноқ ва шодмон яшасаларгина катта ютукларни қулга киритишлари мумкин. Бугун Афғонистон, Чеченистон ва бошқа худудларда уриш кетаётган ва беайб болалар ҳалок булаётган бу кунларда барча-барчани тинчлик ва тотувлика чорлаш нақадар зарур. Демак, бу шеърлар бугун ҳам ўз кучини йўқотмаган ва ҳамма иноқ ва дўст бўлиб яшамоги зарур.

“Замон-деб ёзади олим Озод Шарофиддинов ўзининг “Истеъдод жилолари”⁵⁸ китобида, адабиёт зиммасига умумий вазифалар юклайди. Ҳар қайси шоир ва ёзувчи бу вазифаларни ўз иктидорига кўра белгилаб олади”. Олим ҳақ. Шоир Оташ Холмирзаев ҳам замон шоири. У ўз замонасасининг бонгига қулоқ тутади, унинг кундалик жараёнинга ҳамоҳанг шеърлар битади.

Шоирга шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, баҳо берадиган бўлсақ, унинг ўша даврда ёзган шеърларида замонасозлик ҳам ўрин олган эди. Шунга қарамай аксарият шаеърларида у юрт мадҳига, ахлоқ ва одобга, тарихимизга эътибор беради. У ўзининг кўпгина шеърларини юрт фаровонлиги ва халқнинг кўтаринки руҳи, бунёдкорлигига бағишлийди. Халқ баҳти ва фаровонлиги йўлида қилинган ҳар кандай самараали меҳнат илиқ сатрларда куйланади.

“Шоир,-деб ёзади олим Иброҳим Ҳаққул “Камол эт қасбим” рисоласида,-халқ назаридаги одам. Унинг кўпчилик билан учрашуви ҳам, эл олдида шеър ўқиши ҳам, ҳар томонлама синов,” Дарҳақиқат рост, Оташ Холмирзаев ҳам бу йиллар давомида жуда кўп марта Тошкентга борди, ёзувчи Худойберди Тўхтабоев, Тохир Малик, Шукур Холмирзаев, Ҳабиб Саъдулла, Тохир Қаххор,

⁵⁸ Озод Шарофиддинов, “Истеъдод жилолари”, Гафур Гулом нашриёти, -Тошкент-1978, 22-бет.




Ўзбекистон халқ ёзувчisi
Шукур Холмирзаев билан



Ўзбекистон халқ ёзувчisi
Тохир Малик билан



Ижодкорлар (чапдан) Курбонали Тўлабоев, Мусо Акмал, Рустам Уммат,
Боқий Мирзо, Оташ Холмирзаев, Исокжон Нишонов, Темур Бек, Иброҳим
Махкамлар



Куролдошлар билан



Набирам Жасур Сатимов билан



Оилам ва набираларим



Набиралар ва аёлим Муборакхон билан



Набираларим Азизбек ва
Мирабbosлар билан



Достончи Раззок бахши ва унинг
ўгиллари



Болалар шоири Турсунбой Адашбоев, олим Бахтиёр Исҳоков ва ўглим
Бахтиёр Отамирзаевлар даврасида



Шоирлар Робиддин Исҳок, Қозоқжон Махмуд, Қаноат Мехмонлар билан



Ижодкорлар Рустам Уммат ва
Темурбеклар билан.



Шохимардонда



Шоир 115-мактаб-интернатда ўтказилган ижодий кечада




Ижодкор шоирлар Темур Убайдулло, Бузрук Соттий, Кодир Малик ва
дўстлари даврасида



Самарқанд саёҳатида ўқувчилар ва халқ артистлари Толиб Каримов ва
Эркин Комиловлар билан



Чорток туманидаги 25-ўрта мактаб ўқувчилари
шоир Темур Убайдулла ва Оташ Холмирзаевлар билан



Олимлар Алихон Ҳалилбеков, Махмуджон Маъмуро, журналист
Махамаджон Тожиддинов, ижодкор ўқитувчилар Абдуғофур Ҳамдамов ва
Курбонали Тўлабоевлар билан



Баликли кўл. Шоир Ҳамроқул (чапдан) Аскар, ижодкорлар Ўрмон Мўмин,
Темурбек, Тўра Мирза ва Оташ Холмирзаевлар

Хожиакбар Шайхов, Нормурод Нарзуллаев, Тўлқин Илхомов, Собит Ғофуров, Маҳмуд Муродов, Хуршид Даврон, Наримон Орифжонов, Темур Убайдулло, Анвар Ҳожи, Султон Жаббор, Эркин Қамбар каби ўнлаб шоир ва ёзувчилар билан мулоқатда бўлди ва улар билан бирга Тошкент шаҳридаги мактаблар, олий ўкув юртларида учрашувларда қатнашди. Болалар шоири Пўлат Мўмин, Сафар Барноевлар иштирокида бўлган учрашувларда шеърлар ўқиди, республика телевидениесининг “Ёшлар ва болалар” кўрсатувларида чиқишлиар килди.

Айниқса, республика иқтидорли ўқувчилари билан биргаликда қилган чиқишлиари ҳамқишлоқлари қалбида чукур из қолдирди.

Бу эшиттиришда ўзи раҳбарлик қилаётган 25-ўрта мактаб ўқувчиси Илхом Ахроров ҳам иштирок этди. У ўзининг шеърий машқларини ўқигандага қувонди, уларга оқ йўл тилади.

Бу албатта, шоир ижодида ижобий ўзгаришлар ясади. Шеърдан-шеърга юксалди. Шоир бир шеърида шундай ёзади:

Куёш бўлиб ширмон нон,
“Тандир ”узра тин олди.
Ҳатто оқшом шафағи,
Нури кетиб жим қолди.

Ўғлим Анвар талпинар,
-Дада, уни олиб бер
Жон дадажон, дўппимга,
Иссик бўлса солиб бер.

Шу пайт қуёш ҳам аста,
Кир ортига йўқолди.
Ўғлим бўлса ҳайрон дер:
Кулча нонни ким олди?

Шеърда болаларимизнинг содда интилишлари, уй-фикрлари тараннум этилган. Албатта, қуёш бу нон каби азиз. Бироқ, бола дилида у ҳақиқий нон. Уни дадасига олиб беришни илтимос қиласди. Аммо, қуёш ўз ўки атрофида айланади. Буни бола тўла англаб етмагандай. Йўқ, англаган, аммо унинг ўйларида бу нон-қуёш чиройли ҳамда гўзал. Унга интилиш бор. Ана шу нарса

шоирни уйлантиради, ёшларни билиш ва билим олишга ундаш иштиёки ётади.

Унинг шеърларида айниқса, меҳнат мавзуси катта ўрин олган. Унинг “Аргамчига қил мадор”, “Гулзорим”, “Ёрдамчи”, “Бирлашган ўзар”, “Яйлов”, “Пиёз”, “Сабзи”, “Бедазор”, “Кўзи чок-пойлок” каби шеърлари ана шу мавзудадир.

Унда шоир болаларга меҳнат баҳт қалити эканлиги ва шу баҳтни топиш учун тинмай меҳнат қилиш кераклигини уктиради. Унинг “Бедазор” шеърида шундай сатрлар мавжуд.

Богчамизга сепдим беда,
Кўм-кўк бўлди, хушбуй жуда.
Кўзичогим яйраб еди,
Чигирткалар сайраб деди:
-Оҳ-оҳ беда,
Воҳ -воҳ беда.

Шеър бир қарашда жуда содда. Аммо унда болани беда сепиши орқали меҳнатга, табиатни асрasha ва гўзалликка унрайди. Гўзаллик эса инсониятни, қўйингчи дунёни асраши ўкувчига уқтирилади. Бундай шеърлар китобда жуда кўп.

Шоир Оташ Холмираевнинг навбатдаги китоблардан бири бу “Адабиёт дарсларида ҳалқ оғзаки ижоди”⁵⁹ деб аталади. Албатта, биз юкорида зикр этганимиздек, шоир нафакат шоир, у фольклорист ҳам. У ёшлигиданоқ ҳалқ оғзаки ижоди материалларини тўплаш иши билан шуғулланган. Шу билан бирга мактабларда рус, ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берди. Бу уни методик ҳамда ҳалқ оғзаки ижоди бўйича ўнлаб мақолалар, рисолалар чиқаришга ундарди. У биргина 1970-80 йиллар давомида икки марта Республика, тўрт марта вилоят ва ундан ортиқ туман педагогик ўқишларида, йил ўқитувчиси кўрик-танловларида иштирок этди, ижодкор ўқитувчи сифатида қадр топди.

Шоир архивини кўриш жарённида шунга амин бўлдикки, ўша йилларда айниқса, туман рўзномаси “Меҳнат байроги” сахифаларида эликдан ортиқ ҳам методик, ҳам илмий мақолалари чоп этилган. Шунингдек, бундай мақолалар “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Адабий мерос” ҳамда Ҳамид Сулаймон номли Кўлёзмалар институти ахборотномаларида ҳам чоп этилди. Уларда кўтарилилган ва қаламга олинган мавзу битта, у ҳам бўлса, ҳалқ оғзаки ижодидек катта бойлигимизни ўкувчилар онгига сингдиришдан иборатdir. Рисолага филология фанлари доктори, тилшунос олим

⁵⁹ Холмираев О. “Адабиёт дарсларида ҳалқ оғзаки ижоди”, Наманган - 1991йил

Бойкўзи Турдалиев, доцент Тожибой Фозибоев ва Дехконбой Козоқовлар тақриз ёзганлар.

Рисола кириш, дарсга тайёргарлик, халқ оғзаки ижоди жанрлари, ҳамда “Чамбил қамали” достонини ўтиш жараёнлари мисоллар асосида кўрсатилган. Шунингдек, рисолада кейинги ўн йилликлар даври методикаси тўла ва атрофлича ёритилган. Бундан кўриниб турибдики, шоир нафақат шоир, у адабиётшунос олим, халқ оғзаки ижодиётининг толмас тарғиботчиси ҳамdir.”⁶⁰

Кейинчилик унинг “Мактаб-менинг ҳаётим”⁶¹ номли илмий-педагогик рисоласини ҳам чоп этирди. Асарни тўла тақриз қилган ва унга сўз боши ёзган олимлар ва журналистлар Маҳмуджон Маъмуроев, Темур Бек, Мухаммад Валилар - “асар шоир Оташ Холмирзаевнинг ўттиз йиллик хизматлари ҳақида,”⁶² деб ёзганларида юз фоиз ҳақ здилар. Китоб шоир ва педагогнинг мактаб ҳақидаги ўй-фикрлари асосида бошланади. “ахир биз ўқиган, биз таълим-тарбия олган ўша йиллар аллақачон тарихга айланган. 1957 йилда қишлоқдаги 17-ўрта мактабни тугатиб, Фарғона Давлат муаллимлар олийгоҳининг рус тили ва адабиёти куллиётига ўқишга кирдим”⁶³, деб ёзади муаллиф.

Хўш, кейин нима бўлди.? Асар ана шу саволга жавоб беради ва ундаги “Сенга интиламан”, “Ўқитувчи қасамёди”, “Таянч нукта”, “Ҳикматлар сандиги, ёки “Ҳаёт сабоги”, “Ўқитувчига юз маслаҳат”, “Тарбия ҳақида болаларга юз насиҳат”, “Тарбиявий шеърлар” каби бўлимлар бизни ахлоқ ва одоб тарбиясининг муҳим ороллари сари етаклайди, ўқиган ҳикматларингиз тўртликлар ва танқидий шеърлардан ором оласиз.

Тарбия ҳақида болаларга берилган юз насиҳатнинг бари тўртликлардан иборат. Бу асарлар асосан Хайёмона тарбиявий сўз айтиш йўлига қурилган. Келинг, шу ерда ана шу рисолага кирган тарбиявий тўртликлардан мисоллар келтирайлик.

Киморбоз боладан,
азоб қоладур.

Бор молин совурса,
Ота ёнадур.....

Бу фалак ким билар феъли бошқача,
Тебратар дала-ю, тогу тошгача.

⁶⁰ Маллаев Н.М, “Ўзбек адабиёти тарихи”, 200-бет Тошкент, 1972 йил.

⁶¹ Холмирзас О. “Мактаб-менинг ҳаётим”, илмий-педагогик рисола, Наманган-1992йил.

⁶² Ўша асар, 3-5 бетлар.

⁶³ Ўша асар, 6 бет

Умрингни ўтказма, бехуда, бекор,
Комига олади қари, ёшгача.

Коинот сиридан огоҳ бўл банда,
Қўлингга қарату қил уни жанда.
Холва деб оғизни чўчитиб бўлмас,
Билимга мукка туш, қилмагин канда.

Лойдан уй қурасан, эй, осий банда,
Билмайсан, бу лойга коришган инсон.
Ўлмаклик ҳаммага отадан мерос,
Бир куни лоймисол қоласан ион.

Шоирнинг бу рисоласи шоир ҳаётининг 35 йилик якуни, педагог сифатидаги қарашлари. Китобга кирган юз ҳикмат ҳам анчагина мукаммал, ўрганса ва ўқиса арзигулик гаплар бор. Тарбиявий шеърлар бўлимига кирган асарлар ҳам анчагина маъқул шеърлар. Ундаги “Халқ оҳангидা”, “Сенга айтганларим”, “Ғийбатчиларга”, “Шалоқлар”, “Яхшилар омон яшанг”, “Пешкўргонлик Норхўрозд”, “Биз яратган замондан”каби шеърлар тарбиявий аҳамияти билан жуда муҳим.

Шоир ижодида муҳим ўрин эгаллаган китоблардан яна бири “Пешкўргон олмаси”⁶⁴ шеърлар тўпламидир. Бу асарлар тўлалигича болаларга аталган шеърлар бўлиб, бу тўпламни дунёга келишига Мирзо Бобур номли давлат хўжалиги раиси Исоқжон Исмоилов, филология фанлари номзоди Маҳмуджон Маъмуроғ, фан номзоди, шоир Жўра Раҳимларнинг катта ҳиссалари бор. Беш босма табоқдан ташкил топган бу китобга юздан ортиқ шеърлар киритилган.

Шеърларни мавзулари бўйича таҳлил қиласиган бўлсак, асосий мавзу она қишлоқ, унинг меҳнаткаш кишилари, юрт шон-шарафи учун курашаётган қаҳрамонлардир. Шоир нигоҳидан ҳатто қишлоқ марказидан оқиб ўтаётган зилол сувли Қорасув, Кашанак ариқлари, ажойиб оромгоҳ Балиқлиқўл, Пешкўргоннинг ранго-ранг олмалари, кирлари-ю, сабзавоткор дехқонлари ҳам четда қолмаган.

⁶⁴ Холмирзаев О. «Пешкўргон олмаси», шеър, эртак ва достон, сўз боши Жўра Раҳимники, мухаррир Собир Тургунов, такризчи Маҳмуджон Маъмуроғ.

Китобга кирган шеърлар орасида табиат ва табиатнинг бир бўлаги бўлган қушлар тараннум этилган. Зеро, қуш табиат инъоми. У ҳаётимиз кўрки. Уларсиз бу, ҳаётнинг қизиги ҳам йўқолади. Шу нуктаи назардан биз доимо ёшларимизга қушларни асраш, ардоқлаш, керак бўлса кўпайтириш чораларини ўргатиб боришимиз даркор. Давлатимиз томонидан ташкил этилган жуда кўп кўриқхоналар ҳам табиат жонзотларини кўпайтириш йўлида хизмат қилади.

Шоир эса ана шу табиат шайдоси сифатида қушлар жонкуяри, керак бўлса улар тилидан сўзлайди. Болаларни қушларни севишига ундаиди ҳам

Тўрқовокда бедана,
Басма-басга сайрайди,
Бобом белин дол тутиб,
Ёш боладек яйрайди.

-Қалай, дея тамшаниб,
Атрофига боқади.
Беданага шу онда,
Минг бир жонин қоқади.

Мен ҳам оғзим очилиб,
Беданага боқибман.
Бобом сурар, эркалар,
Беданадек ёқибман.⁶⁹

Шоирнинг “Каклик”, “Читтак”, “Бургут”, “Қарқунок”, “Булбул”, “Попишак”, “Турналар”, “Лайлак”, “Қалдиргоч” каби ўнлаб шеърлари бевосита қушларга бағишлиандир. ⁶⁵ Бу яхшими, ёмонми? Албатта, яхши. Зеро, болада қушларга бўлган муҳаббатни уйготиш шоирларнинг асосий вазифалари дандир. Зеро, болалар ҳаёти ҳам қушлар мисоли кувноқ ва шаддоддир.

Бугина эмас, китобда ёшларимизнинг кувноқ ҳаёти, - уй-фикрлари, келажакка бўлган ишончи ҳам кувноқ, болаларбоп сатрларда ифода этилган. Ёки табиат манзаралари, она-юрт гўзаллиги мавзуларига ҳам кенг ўрин берилган. Шоир бир шеърида юрт гўзаллигига шундай таъриф беради:

Тоғлар томон йўл олсан,
Қамашади кўзларим.

⁶⁵ Холмирзаев О. “Пешкўргон олмаси”, Чорток -1992. 25-27 бетлар

Пар түшакдай майсалар,
Ел силайди юзларим.

Кенг майдонда қүш ўтов,
Боғлик турар от-улов.
Тош ўчокда қайнар чой,
Козонда пишар палов.

Зайнаб хола гүшт кесиб,
Тайёрлайди кулчатой.
Қиргогига түш уриб,
Үйнаб оқар пастда сой.

Шеър шундай давом этиб, охир-оқибат, гўзал яилов қирғиз ва ўзбек халқларининг катта бойлиги, дўстлигимиз куйланади.

Ўтин ёриб ўчокда,
Нор пиширап кабобни.
Қирғиз чермак черганда,
Ўзбек чалар рубобни⁶⁶

Ёки шоир яна бир шеърида қуёш ҳақида жажжи болажоннинг катта фикрларини топади. “Қишида қуёш кўринмас” шеърида у шундай сатрлар битади:

- Қаёққа кетди қуёш,-
Дейди ҳайрон Бойдеда.
Ё беркиниб олдими,
Айтинг дейди, хой деда!

-Чарчаганда таътилга,
Чикар ҳар қиш қуёш ҳам.
Ёзда иссиқ берай деб,
Африкада олар дам.

Оддий шеър, аммо унинг фикрлар мажмуасида қандайдир жавоб топишга, бола қалбини ризо қилувчи фикр уйғотишига уринишлар бор. Бу шоирнинг китобдаги асосий мавзулари эмас, ундаги асосий мавзу бу тарбия масаласидир. Зоро, инсонга дунёвий, ҳаётый ва диний тарбия бермай туриб, камолот

⁶⁶ Холмирзаев О. “Пешкўргон олмаси”, 38-бет.

чўқкисига олиб чиқиб бўлмайди. Бу фалсафа. Бу борада у “Рахмончи-тўполнончи”, “Хув бола-кув бола”, “Бизнинг Омон” каби асарларида ана шу масала-тарбия масаласи асос қилиб олинган.

Тўғри тўпламга кирган барча шеър ва эртаклар ҳам бир меъёрда эмас. Уларнинг кўпларида ҳали пишиб етилмаган сатрлар, такрор, оч қофиялар бисёр. Бироқ шунга қарамай шоир ижодида бу тўплам катта ютуқ. У ўзбек болалар шеъриятида ўз ўрни ва мавқеига эга.

Бу унинг “Кичик чўпон”, “Бузоқчам”, “Полизда”, “Озода қиз озода”, “Қовун сайли” каби уйноқи ҳамда қувноқ шеърларида ҳам баралла кўринди. У энди шеъриятнинг барча сир-асрорларини билган ҳамда болаларбоп яхши шеърлар битаётган шоирга айланди. Шоир ўзининг “Кичик чўпон” шеърида қуйидаги мисраларни тузади:

Дилшод кирди беш ёшга,
Аммо қўлда гаврони.
Подадар яловга,
Дилида йўқ армони.

Ўт-ўланлар тиззада,
Минган кичик новдани.
Бошида оқ қалпоғи,
Суяр шундай лаҳзани.

Маърашарди қўй-қўзи,
Ёш чўпонни кўрганда.
Кўринмайди ўзи ҳам,
Ўт ичидар юрганда.

-Курей, қурей деса у,
Чопиб келар қўзилар.
Ликкиллатар думларин,
Бўри мисол тозилар.

Бизнинг кичик чўпоннинг,
Овулида донғи бор.
Ҳар тонг ҳайдар подани,
Ўз ишидан баҳтиёр.⁶⁷

Тўплам ҳақида хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Оташ Ҳолмирзаев болалар шоирни сифатида бу тўплами билан озми-

⁶⁷ Ҳолмирзаев О., “Пешкўргон олмаси”, Чорток-1991 й.

кўпми ютуқка эришди ва болалар адабиётида ўз ўрнини топди. Шу китобга кирган “Рахмат болам” шеъри эса бошлангич синф дарслигига киритилди.

Болалар хаётидан олиб ёзилган яна бир тўплами “Мустақиллик болалари” деб аталади. Ўз даврининг машҳур болалар шоири Робитдин Исҳоков билан ҳамкорликда яратилган бўлиб, тўплам мундарижасини асосан Ватан, она қишлоқ ва унинг қувноқ болалари образи эгаллаган. Шоир бир шеърида:

Мен асли пешкўргонлик,
Бир қишлоқи боламан.
Бошида оқ дўпписи,
Чотқол тоғли бўламан,⁶⁸

дейди. Бу билан у она қишлоги Чотқол тоғлари этакларида жойлашганлигига ишора қиласди. Шу боис ҳам жуда кўп шеърларида тоғ, ялов, табиат гўзаллиги кенг ўрин олган. Тўпламнинг яна бир ютуғи шундака, шоир шеърлари икки алфавитда берилган.

Бу бугунги кун янги ўзбек алфавитини ўрганувчилар учун ҳам катта қулайликдир. Китобга кирган “Ўзбекистон байроби”, “Мустақил она юртим”, “Туркистон фарзандлари”, “Созсой” каби шеърлари мустакил юртимизни шарафласа, “Ой билан сухбат”, “Баҳор”, “Полизда” каби асарлари эса она-табиат ҳақидадир. Бу дунёning барча куй-қўшиғи ҳам, гўзаллиги ҳам она-Ўзбекистон шоир таъбири билан айтганда она қишлоғи эканлигига барчани ишонтиради.

Сой тошидек полизда,
Қовун ётар юмалаб.
Торвузлари ариққа,
Кетар баъзан думалаб.

Ҳа, торвуз ва қовунларга бой, гўзаллик ва тўкинлик юрти бу Ўзбекистон- гўзал Туркистондир.

Билим сири бир чашма,
Билмакка доим ташна.
Улғайгин дейман-яша,
Туркистон фарзандлари.⁶⁹

У китоб хотимасини Туркистон деб аталмиш катта юртнинг фарзандлари ва улар олиб бораётган улкан ишларга қаратади. Умуман шоир бу тўпламида танлаган мавзу, ҳамда бу мавзуларни очиб беришда катта ютуқларни кўлга киритган.

⁶⁸ Холмирзаев О., “Пешкўргон олмаси”, Чорток-1991 й.

⁶⁹ Холмирзаев О.. “Турон оҳанглари” шеърлар, муҳаррир Дилором. Наманганд. 1997.

Шоир катталар учун ҳам жуда кўп асарлар битган. Унинг “Турон оҳанглари”, “Сени доим кутаман баҳор”, китоблари ана шу йўлдаги уринишлариданdir. Шоир “Турон оҳанглари” китобини асосан Туркистон ва унинг буюк халқлари бирлиги ва Турон заминида яшаётган ўзбек, қозоқ, киргиз, туркман, тоҷик, қорақолпоқ каби миллатларга бўлинниб кетган халқлар тарихи, табиити, қилаётган ишларига багишиланган.

Шоир китобнинг илк бетларида ёна Туркистон ва унинг халқларига бирлашишга даъват этади. Фақат бирликкина барчани, Туркистон халқларини оғат ва балолардан сақлай олишига ишора қилади.

Она турк йиглайди,
Йиглайди армон,
Тарикдек сочилган туркнинг авлоди.
Бугун бўлинмоқда жамики жаҳон,
Минг бўлак бўлмоқда туркнинг аждоди.

Минг бўлакка бўлинган бу авлодлар энди нима қилмоғи зарур? Қандай йўл тутса, бу буюк Турон яна аслига қайтади? Бу саволлар шоирни қийнайди ва жавоб излайди. Унинг “Орол”, “Туркистон”, “Туркнинг аёли”, “Орзуга айб йўқ”, “Куй”, “Ишонч” ва шунга ўхшаш ўнлаб шеърлари бевосита шу мавзудадир.

Аму Сир бўйида дилхушлик қолди,
Жангу жадал қолди, ҳатто қон қолди.
Отлар изи қолди, фозиллар сўзи,
Баркашдек товланган патир нон қолди.
Не-не қасрлар-у битиклар қолди,
Ёғийлар қон кечган этиклар қолди.
Ўз юртин душманга қўшқўллаб тутган,
Бенаво, бедаво хўтиклар қолди

Ана сизга фалсафа. Зеро, Туркистоннинг бўлинини ўз-ўзидан бўлмаган. Ундаги ички душманлар, сотқинликлар, бу юрт ахлини бўлиб юборган. Бироқ, шоир бу билан тўхтамайди. Унда келажакка ишонч бор

Ҳали кунлар келар буюк Туркистон,
Оlamda ўзини кўз-кўз қиласак.
Ҳали битиб кетар жамики армон,
Буюк Турон эли яна қулажак

Ҳа, шоир ишончи чексиз. У она юртини, халқларини иноқ-ахил кўриш йўлидаги орзу ва умидларидан қайтмайди, керак бўлса бу йўлда курашади ҳам.

Тўпламдаги “Додим бордир”, “Бобомга”, “Сим-сим очилмаса...”, “Бўз бола”, “Қалдирғочга”, “Ёшлар қўшиғи” каби лирик шеърлар қўшиқбоп сатрлар тўпламга файз киритган. Уни ҳар томонлама мукаммалластирган. Шунингдек, тўпламда халқ қўшиклари йўлида битилган бир неча асарлар ҳам бор.

Асаканинг арзи бор,
Элга берар нарзи бор.
Мустақиллик тумори,
Битта айтар фарзи бор.

Ёки:

ЎзДЭУ боридир у,
Бойлиги коридир у.
Ўзбекнинг мошинаси,
Ғурури, торидир у.⁷⁰

Шоир китоб интиқосида ёзганидек, шоир бўлиш, ўз юрти ва қадирдон кишилар ҳакида шеър битиш, айниқса, қишлоқ шоири бўлишнинг ўзи бўлмайди. У дард билан ёниши, куйиб битиши табиийдир.

“Авесто”, Суғд ёзуви,
Энасой битиклари,
Бирла фахр олганман,
Бир умрга чоғдирман.
Оташдир турк шоири,
Пешқўргонлик бўламан,
Лозим бўлса ардоқланг,
Бўлмаса мен йўқдирман.

Шоир ўй билан, дард билан яшайди, шунга ҳам худога шукур қиласди. Албатта, харқандай инсон хаётида турли-туман воқеа ва ходисалар бўлиши табиий. Жумладан, шоир Оташ Холмирзаев ҳам умри давомида жуда кўп воқеа ва ходисаларни бошидан ўтказди.

“Бир куни туман ҳокимлигига чақириб қолишиди, - дейди шоир,- етиб бордим. Ҳоким ўринбосари Илҳомжон Шарипов мени илиқ кутиб олди ва ҳовлидаги кароватда ўтирган икки қиз билан таништириди. Бирининг оти Хилда, иккинчисининг оти эса Салима

⁷⁰ Холмирзаев О., шеърлар, “Сенн доим согинаман баҳор” янги ўзбек алфавитида, муҳаррир Иброҳим Мусо, “Энг. И.М.” нашриёти-1997 й.

бўлиб, улар Америкадан, аникроғи Нью Йорк шаҳридан келишганди. Учрашдик, сухбат қурдик. Кейин қишлоққа олиб чиқдим. Икки кун ҳалқ оғзаки ижоди ва амалий санъати, тўй ва маракаларни кўрсатдим, кинога олишди. Сўнг, менинг қишлоқ шоири эканлигимни билиб, шеърларимдан сўрашди. Бир икки китобимни бердим. Салима ўзбек қизи эди. У 27 ёшга кирган, паст бўйли, кўз-қовоқлари кисикроқ қиз бўлиб, кўп йиллардан бери Америкада ота-оналари билан яшши, ўзи ҳайкалтарош-рассом эканлигини айтди. Гап орасида лотин алфавитидаги битта китоб қилиб беринг, дея илтимос ҳам қилди. Шоир Иброҳим Мусо билан ҳамкорликда бу китобни тайёрладик”⁷¹.

Шоирнинг юқорида зикр этилган “Сени доим кутаман баҳор” тўплами шундай пайдо бўлди ва Америкага юборилди.

Натижада Ҳилда Айтман (унинг онаси ношир экан) томонидан “Турон баҳори” номли инглиз ва ўзбек тилларида китоб тайёрланди. Тўпламнинг асосий тематикаси Туркистон ва унинг гўзаллиги, ҳалқлар бирлигига бағишлиланган эди. Албатта, китобда баҳор, ўрик ва бодом гуллари, бойчечак, Наврӯз таомлари ҳам кенг ўрин олган. Шоир ўша тўпламга кирган бир шеърини “Оқ рўмол” деб атайди.

Оқ рўмол ўраган бир аёл келар,
Бир аёл келади ибодир оти.
Ҳаёй чойшабида ҳар куни тунар,
Бу аёл она турк-буюк турк зоти.

Шеърни инглиз тилига таржима қилган Салима Уста Қурбон қизи, бу туркий ибо ва туркона гўзаллик эканлигини тўғри тушуниб етган.

Шеърнинг ўз маъносини сақлаган ва шу мавзуда жуда гўзал суврат ҳам чизган. Унда оқ дока рўмолга бўй-бости билан ўралган нақадар гўзал қиз образи яратилиб, унинг туриши-ю, кўриниши ҳам кишини ўзига тортади. У ибо, ҳаёй деган миллий-ғурурни юксакликка кўтаради. Китобга сўз боши ёзган тарих фанлари доктори, Ўрта Осиё ҳалқлари тарихи бўйича мутахасис Ҳилда Айтман ҳам шарқона иффат ва одобга юксак баҳо беради. Ўтмишда турк аёллари бўлган Тўмарис, Бибихоним, Нодира, ҳатто Қурбонжон додхо номларини келтириб, улар Туркистон ҳалқларининг катта мулки, фахри деб ёзади ва бир шеърни “Туркнинг аёли” шеъридан мисол келтиради.

⁷¹ Холмирзаев О., “Кундаликларим”, 21 папка, 50 саҳифа, Бу ҳакида қаранг Ҳамқишлоқлар” китоби, “Ушалган орзу” очерки.

Мен биламан туркнинг аёли,
Қилич тутиб жангларга кирган.
Ойдек ёниб хусни жамоли,
Она юрт деб отларда юрган.

Хулоса қилиб айтганда “Сени кутаман баҳор”⁷² ҳам инглиз, ва ўзбек тилларида чоп этилган. Ўзбекча “Турон баҳори”, инглиз тилида эса “Айловлю Ўзбекистон” деб аталган. Бу шоир ижодининг катта ютуқларидан деб айтса бўлади.

Албатта, ушбу ўринишларимизда шоир шеърияти, унинг ўттизга яқин китоби хақида муфассал сўз айтиш имконияти чекланган. Биз айрим асарлари хақида фикр айтдик холос. Шоир ижодини шоир, ёзувчи, фольклорист, педагог, журналист сифатида тадқиқ этиш эса кейинги ишларимиздандир.

ОТАШ ХОЛМИРЗАЕВ – ЁЗУВЧИ

Ёзувчи Оташ Холмирзаевнинг бу борада олиб борган ишлари тўғрисида фикр юритиш учун унинг чанг босиб ётган кўлёзмалари билан бироз ўртоқлашмоқ зарур. Зеро, унинг архивида ўнлаб қиссалар, ҳикоя ва ривоятлар жой олган. У ҳаёти давомида “Мусаффо осмон остида”⁷³, “Афғондан қайтган руҳлар”⁷⁴, “Ер остидаги ёқут”⁷⁵, “Биринчи муаллим қиссаси”⁷⁶, “Довон”⁷⁷, “Кафтдаги чўғ”⁷⁸, “Ҳамқишлоқлар”⁷⁹, “Такдир эшиги”⁸⁰, “Пешкўргон мадҳи”⁸¹, каби ўнлаб қиссалар ёзди.

Ёзувчи Оташ Холмирзаев насрда ҳам шеърият каби ўқиб юрган кезларидан бошлаган ва армия сафида хизмат қилган даврида “Уч чанок” номли қиссаси ҳарбий рўзномаларнинг бирида чоп этилган эди. Кейин у “Дилбар” номли қисса ҳам ёзди. Шу билан бирга рус ва ўзбек тилларида жуда кўп ҳикоялар ёзди ва улар вақтли матбуотда босилиб турди.

Шимолий. Кавказ ҳарбий округининг “Красное знамя” рўзномасида унинг “Уч чанок”- (“Коробочка”)⁸² асаридан парча-

⁷² Холмирзаев О., “Турон баҳори”, инглиз ва ўзбек тилида, кўлёзма

⁷³ Холмирзаев О., “Мусаффо осмон остида”, қисса, кўлёзма, 1980 йил.

⁷⁴ Холмирзаев О., “Афғондан қайтган руҳлар” қисса, кўлёзма, 1994 йил.

⁷⁵ Холмирзаев О., “Девон” қисса, кўлёзма, 1996 йил.

⁷⁶ Холмирзаев О., “Ер остидаги ёқут” қисса, кўлёзма, 1984 йил

⁷⁷ Холмирзаев О., “Биринчи муаллим қиссаси”, қисса, кўлёзма, 1986 йил.

⁷⁸ Холмирзаев О., “Кафтдаги чўғ” қисса, кўлёзма, 1990 йил.

⁷⁹ Холмирзаев О., “Ҳамқишлоқлар”, лавҳа ва очерклар, кўлёзма, 1995 йил.

⁸⁰ Холмирзаев О., “Такдир эшиги”, қисса, кўлёзма, 1997 йил.

⁸¹ Холмирзаев О., “Пешкўргон мадҳи” кўлёзма, 1997 йил.

лар эълон қилинди. Бу асар студентлар ҳаётидан олинган бўлиб, унда севги ва муҳаббат куйланади. “Уч чаноқ” бу пахта терими даврида ўйналадиган ўйин. Бироқ бу ўйин замираиде севги бор. Ўз уч чаноқ пахтасини ёш аммо, гўзал Диlobарга берган Соли ўртасида севги куртак отади ва бу йўлдаги уринишлар, кураш асар сюжетини ташкил этади.

Ҳар галгидек бу асарда ҳам эзгулик ғалаба қиласи. Аммо ўша давр матбуотида чоп этилган бу қисса, китоб ҳолига келтирилмаган.

Ёзувчининг “Мусаффо осмон остида” қиссасида эса солдат Рустам ва унинг тақдири хикоя қилинади. У оддий қишлоқ йигити, шу билан бирга қадрдон бувисининг якка-ю ягона боласи. Биз асар сатрларига кўз югирирамиз. “Купе эшиги очилиб, проводникнинг уйқуданми, шишинқираган юзи кўринди. Йўғон гавдасини беузр ярим ичкари олиб, юқори полкада ухлаб ётган ҳарбий йигитнинг оёғидан туртди.

-Сержант, туриңг Чорток шаҳрига келдик, -деди у пастда эндиғина чойга ўлтириган йўловчиларга боқиб. Унинг хўroz тожисидай юзи товланиб, лабларининг бир бурчидан тилла тишлари йилтираб кетди⁸². Асар шу сатрлар билан бошланади. Сўнг, Рустамнинг кейинги тақдири баён этилади. Асарнинг тили ширин, сюжет линияси ҳам бир меъёрда ривожланади, қизикарли тўқнашувлар, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш қамраб олган.

ЎзТАГ мухбири В.Бичурин томонидан ёзилган “Қишлоқ ўқитувчисининг ҳазинаси” мақоласи республикамизнинг барча ойнома ва рўзномаларида чоп этилди. Ўша ерда ёзувчининг ўн табоқ босмадан иборат бўлган бу қиссаси ҳақида фикр юритилиб, асар “Шарқ юлдузи” сахифаларида босишга қабул килинганлиги ва ёзувчи Шукур Холмирзаев, яхшигина фикрлар билдирганлиги ҳақида маълумотлар бор. Аммо бу асар ўз давридә чоп этилмади.

“Ёзувчи бўлиш учун ижодкорда бекиёс хислатлар мужассам бўлмоғи зарур. Истеъдод, билим, меҳнатсеварлик, замон ва макон туйғуси, закийлик, ботирлик, қатъият, рухан ва жисмонан поклик, адолат туйғуси, курашчанлик, фидойилик, ҳайратланиш ва

⁸² Холмирзаев О., “Красное знамя”, “Коробочка”, (отрывок из повести) №56 (3150) Ростов, 1963-год.

ёнабилиш қобиляти ва ўнлаб бошқа фазилатлардир”⁸³- деб ёзади Эркин Вохидов.

Дарҳақиқат, Оташ Холмирзаевда бу хислатларнинг кўплари бор эди. Шу билан бирга, у кўп ўқиди, айниқса, чет эл ёзувчиларидан Г.Бичер-Стоу, Э.Л.Войнич, Франсуа Рабле, Жонатан Свифт, Рудольф Эрих, Жюль Верн, Марк Твен, Мигель де Сервантес, Жан-Батист Мольер, Александр Дюма кабиларнинг жаҳон таниган қисса ва романлари унинг суюкли асарларига айланди, ўзи ҳам қизиқарли ҳикоя ва қиссалар ёзди. У ўзи бўлиб ёзди. Ёзувчи томонидан ёзилган сатрлар албатта, уники эди. Ёки машхур шоир Қайсин Кулиев ёзганидек, “Истебдод қай даражада бўлмасин, барча ўзи бўлиб ёзади, у хеч қачон бошқа ижодкорни такрорламайди”⁸⁸-деганида ҳак эди.

У шоирми, ё ёзувчими, бири, иккинчисини такрорламаслиги керак. Такрорланган тақдирда у адабиёт эмас. Кейинчалик бу хикмат ёзувчи учун дастурий амал бўлди.

Ёзувчининг навбатдаги асарларидан бири “Афғондан қайтган рухлар”⁸⁴ қиссасидир. Қисса номидан ҳам аёнки, асар афғон уриши ҳақида. Бироқ бир томони бор. Бу қисса бевосита пешқурғонлик Шавкат Мамадалиев ҳақида. Ҳа, Шавкат афғон урушига боради, аммо баҳтга карши у тенгсиз курашда ҳалок бўлади. Ўз даврининг мухим ва долзарб мавзуси. Асар қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинади, шу билан бирга барча воқеа ва ҳодисалар онасига ёзилган хат орқали баён этилади. Йўқ, бу сиз ўқиган татар ёзувчиси Одил Кутийнинг “Жўнатилмаган хатлар” қиссасининг такори эмас. Умуман бошқача баён этилган қизиқарли қисса.

Асарда шундай воқеалар борки, ўқиб хайратга тушасан, баъзан кўзларингга ёш оласан, киши. Асар қаҳрамони Шавкат ва унинг ҳамқишлоқлари, дўстлари ва бошқа образлар сизни оҳанрабодек ўзига тортади.

Ёзувчи архивида сақланаётган яна бир қизиқарли асар борки, у XX асрнинг 85-92 йиллар орасида бўлиб ўтган бир оиланинг тақдирига бағишланган. Бу асар “Қиёмат”⁸⁵ деб аталади. Саргузашт жанрида ёзилган бу қисса хаётнинг аччик- чучиги,

⁸³ Вохидов Э., “Изтироб”, Илмий маколалар, -Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1992 йил, 192-бет.

⁸⁴ Кулиев К., “О молодых писателях”, “Дружба народов”, 1964. №1.

⁸⁵ Холмирзаев О., “Қиёмат”, қисса, кулёзма, шахсий архив, 25папка.

мафия деб аталмиш сирли дунёга олиб киради, унинг сирасорини тўлақонли образлар, воеалар асосида очиб беради. Асарнинг асосий қаҳрамони Олимхон. У савдогар Орифхон ва Жаннатхон опанинг бокиб олган боласи. Бола камлик кўрмай ўсади, турли тоифадаги болалар билан танишади, савдонинг сирасорларини ўрганади. Аммо ҳаёт деган катта мактабнинг сирли сўкмокларида қокилади, пул учун бор-будуни ҳам сотувчи кишилар домига тушиб қолади. Ҳатто онаси Жаннатхоннинг килмишларидан нафратланади. Хотини Ҳафизизни ҳам хоким ўринбосари Сайд Каримович билан ушлаб олади ва Сайд Каримовичу онаси халок бўлади.

Асаддаги шиддат, кураш, фохишабозлик, санамларгина дам оладиган дачалар, кечириб бўлмас офатлар, сиз билан биз билмаган кашона ғўшаларда айшу-ишрат қилаётган бойваччалар ишидан даҳшатга тушасан киши. Олимхон ва унинг ўгай онаси Жаннатхон опа ва Сайд Каримович ўша ёмонлик курбони.

Ёзувчининг “Тақдир эшиғи”⁸⁶ саргузашт қиссаси ҳам жуда қизиқарли ёзилган. Унинг асосий қаҳрамони “Бойнинг ўғли” Мирзаҳол. У оиласи билан 1934 йилда Украянанинг Херсон вилоятига сургун қилинади. Аммо уруш уларни ўз юртларига қайтаради. Бироқ бойнинг ўғли бўлғанлиги сабаб, иш тополмайди. Сургун муддати тугамаган дея ҳатто отаси Раҳмон отага ҳам иш беришмайди. Ўз уйлари тугул бирорта кулба беришга ҳам ярамайдилар. Натижада Мирзаҳол қотилга айланади. У қамалади. Узок Улан-уденинг қуюқ ўрмонларида қамоқ жазосини ўтайди. Муддат тугагач, қайтади ҳам, аммо яна ҳаёти яхши кўчмайди. Натижада “ёмон одамлар” га кўшилади. Улар билан тил бириктирган Мирзаҳол “кора дори” ҳамда нашафуришлар орасига тушиб қолади, яна қамалади. Тақдир уни пул билан сийласада яхши яшашга кўймайди. Натижада ота-онаси, бола-чақасидан ҳам ажралади, бир ҳовлида ёлғиз қолади, ичкиликка берилади ва кунлардан бирида “харом” ўлади. Бу унинг қисмати эди. Аммо бу қисмат ўша бирга яшаган ва ишлаган кишилар қўли билан яратилгани кишини ҳайратга солади. Айбдор биргина тақдир

⁸⁶ Холмирзаев О., “Тақдир эшиғи”, қисса, шахсий архив, 27папка.

“Чорток ҳакикати”, “Тақдир эшиғи” қиссасидан парча, сўз боши С.Тургуновники, №12, 1999. февраль сонлари .

эмас, ўша бирга яшаётган кишилар, раҳбарлар, бу тақдир олдида жавобгар.

Ёзувчи ўша тоталитар даврнинг катта хатоси, бой ва бойлик орттиришга бўлган ёмон муносабатни бу асарда тўла асослай олган.

Ёзувчининг “Ишқибозлик”, “Кампир”, “Ер иси”, “Дилором”, “Чол меҳри”, “Кечириб бўлмас хато”, “Яхшидан боғ”, “Ғубор”, “Олмафуриш”, “Соф мусулмон”, “Янги одамлар”, “Мунаввар”, “Қалтис учрашув”, “Ариза” каби ўнлаб ҳикоялари ҳам ўз даврининг муҳим ҳамда долзарб воқеаларини кўтариб чиқкан асарлардир. Бу ҳикояларнинг айримлари “Бир сиқим тупрок”номи билан “Наманган” нашриётида чоп этилди.

Ёзувчи ижодининг асосини эса ҳамқишлоқларининг ҳаёти, улар олиб бораётган улкан ишлар эгаллади. Зеро, ҳар қандай ижодкор ўз юртининг фарзанди бўлмоғи зарур. Пешкўргон ва унинг минг йиллик тарихи алабатта, уни қизиқтиради, ўша ўзи билган ва билмаган қаҳрамонлар ҳақида ёзиш иштиёки билан яшайди. Пешкўргон жуда қадимий қишлоқ, агар ёзма манбаларга зътибор берадиган бўлсак 1500 ёшга кирди. Буюқ аллома, шоир ва тарихчи, саркарда Захириддин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида Пешкўргон ҳақида маълумотлар берилган. Бироқ Пешкўргон ҳалқ оғзаки ижоди ижодкорларининг макони эканлиги билан ҳам ардокланади.

Олим ва алломаларнинг аниклашларича, Пешкўргонда юзга яқин достончи, эртакчи, ҳалқ қўшиқларини билган ижодкорлар яшаб ўтишган. Оташ Ҳолмирзаев Жумабой бахши бошлаган Пешкўргон достончилик мактабида камол топган Рассоқ бахши, Абдуазиз бахши, Исмон бахши, Омон ва Мамасодик бахшилар ҳақида ҳам фанга илк маълумот беради.⁸⁷

Биргина жамиятдаги катта ўзгаришлар даврида жонбозлик кўрсатган Ҳайдар Сонсизбоев, Убайдулла Ҳасанов, Дехқонбой Нишонов, Бувахон Дадабоев, Убайдулла Валиев, Дадамирза Сариқов, Турсунхон Жалолова, Алишер Муродов ва бошқа жуда кўп кишилар ҳаёти ҳақида мақолалар ёзди. Улар номини абадийлаштириш борасида ишлар олиб борди. Бу борада унинг ilk

⁸⁷ Оташ Ҳолмирзаев томонидан, Кулбухон, Пешкўргон, Сайрам, Балиқчи, Бешарик достончилик мактаблари шажараси тузилган.

тўпламлари ҳам чоп этилди. Шулардан бири “Ҳамқишлоқлар”⁸⁸ очерк ва лавҳалар китобидир. Асарнинг асосий қаҳрамонлари пешқўргонликлар.

Китобга сўзбоши ёзган Бобур жамоа хўжалигининг раиси Абдубанно Зокиров қишлоқда Султон Увайс Қароний каби буюк зот ўтгани, шунингдек, бугунги кунда эса биргина шу қишлоқдан Рассоқ баҳши, Оташ Ҳолмирзаев, Тўра Мирзо, Темур Беклар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси эканлиги, Алимкул Султонов, Абдураҳмон Насриддинов каби журналистлар уюшмаси аъзолари турли ойнома, ва рўзномаларда ижод қилаётганилиги ҳақида мароқ билан ёзади. Қишлоқдан Холхўжа Баҳодиров каби меҳнат Қаҳрамони, Абдуллоҳон Баҳодировдек Давлат мукофотининг лауреати, ҳамда Турғунбой Ҳайитов, Абдуғофир Каҳхаров каби “Шуҳрат” ордени нишондорлари борлигидан фахр туяди. Ёзувчи Оташ Ҳолмирзаев ана шундай улуғ кишилар ҳақида ёзишни асосий мақсад қиласди.

“Ҳамқишлоқлар” тўпламида эса Абдуллоҳон Баҳодиров, Жўра Мирзаев, Убайдулла Зокиров, Турсунхон Жалолова, Абдуназар Абдумаматов, Адашали Гавҳаров, Муслимбек Мирзаакбаров, Темирхўжа Нарзуллаев ва Боймирза Ҳолмирзаевлар ҳақида мароқ билан куйлади

Қаламга олинган бу қаҳрамонлар албатта, ҳар канча мактаса, кўқларга кўтарса арзигулик ишларни амалга оширганлар. Асар “Табаррук инсон” лавҳаси билан очилади. Асарнинг асосий қаҳрамони Абдуллоҳон Баҳодиров. У 1928 йилда туғилган. Бутун умрини жамоа ва давлат хўжаликларида бригада бошлиги вазифаларида ўтказади. Даврнинг энг буюк кишилари Шароф Рашидов, Асатилла Ҳўжаев, Собир Корабоев, Тўйчи Неъматов, Убайдулла Ҳасанов каби кишилар тақдирни билан боғланади. Улардан ўргана-ди, ҳатто ўргатади ҳам. Ҳаётнинг яхши ва ёмон кунларида яшайди, ишлайди ва доимо галабага эришади. У эли, юрти учун тинмай меҳнат қиласди ва шу меҳнати орқали баҳт топади.

Таникли олим Озод Шарофиддинов ўзининг “Истеъод жилолари”⁸⁹ асарида ёзувчиларга баҳо бериб шундай дейди:

⁸⁸ Ҳолмирзаев О., “Ҳамқишлоқлар”, очерк ва лавҳалар, мухаррир А. Ражабов, “Намангандаршиёти-1998 йил

⁸⁹ Озод Шарофиддинов, “Истеъод жилолари”, Фафур Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашрнёти Тошкент.-1976. 102-бет

“Адабиёт нима, унинг моҳияти қандай? Ёзувчи ким учун ёзади? Ҳар бир истеъдодли ёзувчи адабиёт даргоҳига қадам қуиши билан ана шундай саволларга дуч келади. Бу куч ёзувчининг бутун вужудини камраб олади ва ундан аниқ жавоблар талаб қилади”⁹². Бизнинг назаримизда эса адабиёт бу реал ҳаёт, ҳаётда яшаётган ва курашаётган инсон. Шу нуқтаи назардан караганда ёзувчи Оташ Холмирзаев “Ҳамкиш-локлар” китобида ўз қишлоғи равнақи йўлида хизмат қилаётган инсонлар ҳақида ёзганлиги билан ҳам муҳимdir.

Китобда “Убайдулла отанинг бахти”, “Деҳқон эрта уйғонади”, “Ёдгорлик”, “Холмирзаговнинг фарзанди”, “Эл меҳри”, “Жўра боғбон”, “От минган аёл”, “Ўқитувчидан чиққан деҳқон”каби лавхалар ўзининг ҳаётийлиги ва қишлоқ тарихи, унда яшаётган кишилар тақдирини куйлаши билан жуда қизиқарлидир.

“Ёзувчи худди электр кувватини ўзига тортиб олаётган аккумулятор сингари кундалик турмуш материалларидан хазина йигиб боради. Бу материалларнинг маълум ғоявий йўналиши асосида бадиий шаклга тушиши учун баъзан бир кичик ҳаётий ҳодиса, туртки сабаб бўлади”, - деб ёзади олим Очил Тогаев ўзининг “Адиблар ва жанрлар”⁹³ китобида. Дарҳақиқат, ёзувчи Оташ Холмирзаев ҳам ана шу йўлдан борган. У қишлоқда бўлаётган ҳар бир воқеаларни синчковлик билан кузатади, унинг яхши ва ёмон томонларини сезгирилик билан илғаб, сўнг адабиёт майдонига олиб киради.

Китобга кирган “Ушалган орзу”ҳамда “Бир сиқим тупрок” очерклари 1930 йилларда чет элларга ўтиб кетган ҳамюртларимиз ҳакида. Ёзувчи таъриф этишича “Бир сиқим тупрок” асарининг асосий қаҳрамони Фотима. У ота васиятини бажариш учун Саудия Арабистонидан бир сиқим тупроқ излаб, она юрти Намангандаги келади. Аммо бир сиқим тупроқни олиб кетиш кийинчилик билан кечади.

“...- Наҳотки бир сиқим тупрок учун рухсатнома олиш керак бўлса-а?-дедим шошиб. Бу саволим Фотиманинг ич-ичини тирнаётгандай бўлди.

- Қани энди, ҳамма ҳалқ ҳам бир сиқим тупроғини шунчалик эъзозлаганда эди. Аммо бу ерда бир сир бор,-деди Фотима, -Буни сиз ҳам яхши тушунасиз. Кейин шунга ҳам амин бўлдимки, Туркистон, Она-Наманганинг зарра тупроғи олтин экан. Бу ерни эъзозлаш керак. Отамнинг кўзларида ёш ила айтган ҳикматларида

жон бор экан. Эх, отажоним-а, ўз юртига келолмаган, бир сиқим тупроққа зор бўлган меҳрибоним-а.

У.чаман бўлиб очилиб ётган гулхона томон юрди. Бир сиқим тупроқни қўлига олди-да, қандайдир ўкинч билан термулди, ёшли кўзларига суртди. Сўнг тиз чўқди, қибла томон бурилиб, қандайдир дуолар ўқиди-да, ерга бош эгди.

-О,ота ерим, о, отам ўсган она юрт. О, отам кўзларида ёш, дилида армон, ўкинч билан кутган, интилган, аммо, етолмаган замин. Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи баракотух...⁹⁰

Бир эътибор беринг-а! Инсон ўзи туғилган замин тупроғига зор. Нега зор? Нега бир сиқим тупроқни сўраб келди? Бу Ватан туйгуси, она юртга бўлган мұҳаббат эмасми? Ёзувчи ўша ҳамюрт, аммо Ватан соғиничида интиқ яшаётган кишилар ҳаётини реал мисоллар асосида ёритиб боради, уларнинг ички дунёларига саёҳат қиласи ва шу билан барчага Ватанни ардоқлаш, керак бўлса, унинг учун жон фидо қиласа арзийди, “-деган ғояни илгари суради.

Ёки “Ўқитувчидан чикқан дехқон”⁹¹ хикоясида ёзувчи қизиқ бир детални топади. У ҳам бўлса, оддий инглиз тили ўқитувчиси Муслимжон бирдан жамоа хўжалигига бригада бўлиб ўтиб кетади. Барча ҳайрон. Нега ўтиб кетди ? Нима учун? Бироқ, Муслимжон бугина эмас, у гапга чечан, латифагўй. Қаерда бўлмасин одамларни кулдиради, латифаларининг бари ҳаётий.

“.....Бир куни, дея сўз бошлади Муслимжон, -мулла Каноат иш режаси-ю, дарслик китобларини қўлтиғига қистариб мактабдан қайтаётган экан, йўлда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” рўзномасига кўзи тушиб қолибди. Ия, дебди у, сўнг ерда ётган рўзномани олиб ўқий бошлабди. “Усмон Носир ўзбек адабиётида мұхим ўрин эгаллаган шоир эди....”Бир вақт ўрнидан туриб, газетани ўқиганча уйига юрибди. Аёли бўлса ширинсуханлик билан кутиб олибди.

-Вой, бугун бут-бутун кепсизми?

-Нима, мен йуқолиб юрганмидим?

-Ҳа, энди айтдимда, гоҳ плашингиз, гоҳ шляпангиз, баъзида дафтар, китобларингиз, ёдингиздами, бир куни костюм-шимингиз ҳам йуқолиб қолганди. Худога шукур бугун бутсиз.

⁹⁰ Холмирзаев О.. “Ҳамкишлоклар”, 52-бет.

⁹¹ Холмирзаев О.. “Ҳамкишлоклар”, 36-бет.

-Ха, онаси, бугун бутман. Шу десандын Усмон Носир зүр шоирда, тұхтанг, олийгоҳда бу шоирни ўтганмидик, ё....

- Ўтмаганмиз дадаси, уни ахир халқ душмани дейишардику!-Ха, бир нарса ёдимдан күтаришай дебди. Эртага ОблОнодан текширувчилар келаркан, адабиёт ўқитилишини текширалиш. Қаноат ялт этиб хотинига бокибди.

-Ростданми?-дебди у хайрати ошиб.

- Ҳа-да, хозиргина телефон қилишди, яхшиrok тайёрланиб олинг, яна довруғли ўқитувчининг миси чиқиб юрмасин.

-Каноат бироз уйга толиб, сүнг китоб-дафтарлари ёдига тушиб хотинига дебди:

-Ия, бу китоб-дафтарларим қани? Аёли мийигида кулибди.

-Мундок қарасам, бугун ҳам бут келмабсиз-а?

Китобда бундай латифалар анчагина. Латифаларнинг бари кишини ўзига тортади, кулдиради, баъзан ўйга толдиради. Ҳаётдаги шундай муаммоларни топадики, баъзан бундан ортиқ бўлмайди, деб юборасан киши. Асар охирида шундай бир финал бор.

- Муслимжон, нега ўқитувчиликни ташладингиз?-дея сўрайман ундан.

- Қизиқсиз-а, даладаги ўрис зарпечаги, голланд картошкаси-ю, украин карами, болгар калампири-ю, Симеренко олмаси, қирғиз буғдойи-ю, араб лимонигача ким таржимонлик қиласи. Ҳе, бу далада ўзбекнинг нима экини бор.? Ахир айттар гапни инглиз тилида уларнинг қулоғига чертиб турмасам кўзланган ҳосилни берадими”...⁹²

Буюк ёзувчи Михаил Александрович Шолохов, “Мен ўз қаҳрамонларим орасида яшадим ва яшамоқдаман. Бу ҳол сирасини айтганда, энг муҳими. Сабаби материал тўплашга эҳтиёж сезмадим, улар менинг кўлим остида эди....”⁹³ –деб ёзганида ҳак эди.

Ёзувчи Оташ Холмирзәев ҳам қишлоқда яшади, ўз қаҳрамонлари билан бирга бўлди, уларнинг юриш-туришидан тортиб, кундалик ҳаётигача кузатди. Шу боисдан у қайси мавзуга мурожаат қилмасин аниқ ва пухта ёзди, кишини ишонтира олди. Үмуман олганда “Ҳамқишлоқлар” лавҳа ва очерклар китоби

⁹² Холмирзәев О. “Ҳамқишлоқлар”, 39-бет.

⁹³ Зохидов В., “Жаҳон бадиияти зарвараклари”, Гоғур Гулом номли адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент-1980-йил.134-бет.

Пешкўргоннинг энг сара кишилари ҳақидаги асар эканлиги билан ҳам қимматлидир.

Юкорида тилга олганимиздек, у жуда кўп қиссалар ёзди. 1997 йилда унинг “Довон”⁹⁴ номли қиссаси босилиб чиқди. Асар шуниси билан характерлики у савдогар ҳақида эди. Зоро, ўзбек адабиётида савдогар ёки савдо ходимининг ҳаёти, меҳнати ҳақида ёзилмаган. Нега ёзилмаган? Нега уларга ва уларнинг ҳаётига баъзан ёмон, баъзан киноя билан қараймиз? Бу ҳам ўша тоталитар даврнинг қарашларидан бўлса керак. Чунки биз бойларни ёмон кўрдик, уларни сургин ва қатағонга учратдик. Савдогар топаётган лукма ҳам ҳаром деб ўйладик. Аслида-чи? Бизни ва сизни боқаётган, оғир меҳнат эвазига пул топаётган савдогарлар ҳақида қатор асарлар ёзиш керак эди. Бу ёзувчининг ҳикмати. У шу йўлдан борди ва қатор хикоялар, лавҳалар яратди. Асар сўз бошисида шундай сатрлар битади.

“....Асарнинг ёзилиши нега адабиётимизда савдо ходими ҳақида асар йўқ?- деган баҳс туфайли пайдо бўлди. Дарҳакиқат, инсон емагини тайёрлаётган, унга холис хизмат қилаётган бу касб кишилари ҳақида асар ёзиш мумкин эмасми? Орадан бир ойча вакт ўтиб, аввал “Савдога бағишлиланган умр” номли очерк ёзилди. Унда Пешкўргонда туғилиб, ёшлигидан ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган Абдулло Саттиевнинг ўрта мактабни битириб, дўкондор Абдурайим Юсуповга шогирд тушиши ва шу йўлдаги уринишлари, унга ёрдам кўлини чўзган кишилар ҳақида эди...”⁹⁵

Албатта, бу ҳаёт тизмаларини бадиий хикоя қилиш, образлар яратиш анча қийин. Бироқ ижодкор бунинг уддасидан чиқади, савдо ишидаги катта ютуқ ва камчиликлар, унинг ҳаётида тусиқ бўлган Абдунаби каби салбий шахслар жуда ишонарли хикоя қилинган. Асар Абдулонинг ёшлик йиллари, ўша оғир ва мاشаққатли Ватан уруши кунлари воқеаларидан бошланади.

“ ... Кўк ялт этди-ю, шаррос ёмғир қуйди. Сўнг осмон узра даҳшатли гумбирлаш эшитилди. Уфқ билан туташиб кетган бепоён қир-адирларнинг баланд-пастлик, дара-жилғаларда жала сувлари бир-бирига қўшилиб, асов сел пайдо бўлдида, ўйноклаб боши оқкан томонга ёпирилди. Абдулло эгнидаги нимхуш чўпонини ёмғирдан ҳимояланиш учун бошига илди. Почадаранг тирнаган оёқларининг жазиллаб оғришига қарамай муздек сув кечиб,

⁹⁴ Холмирзаев О., “Довон”, кисса, “Журналист” нашриёти, муҳаррир А. Ражабов

⁹⁵. Холмирзаев О., “Довон”, кисса, Наманган, 1997 йил, 3-бет

олга чопди. Қаёққадир боргиси, қаердадир жон сақлагиси келди...⁹⁶

Абдуллонинг ёшлиги ана шундай оғир кунларда ўтади. У озгина дон топиш мақсадида бошоқ тергани чиқади. Бироқ табиат инжиқликлари унинг йўлига ғов бўлади. Ёз бошланган айни кунларда сел ва жала бўлиши уни хайратга солади.

Албатта, бу хаётининг бошланиши, ҳали у билмаган ва кўрмаган жуда кўп воқеалар, ҳодисалар, ҳеч хаёлига келмаган ишлар, нотаниш ва таниш одамлар учрайди. Бу албатта, хаёт қиссаси. Асарнинг кейинги воқеалари Абдуллонинг селда оқиши ва одамлар томонидан уни ушлаб олиниши ва касалхонага келтирилиши каби эпизодлар жуда таъсирили чиқкан, ёки унинг отаси Саттихўжа аканинг фронтга жўнатиш эпизодларини олинг.

“... Кўз олдига яна дадаси келди. Ҳа, уузун бўй, гавдали, шу билан бирга бакуват йигит эди. У мана икки йилдирки, қишлоқдаги “Дўстлик” колхозида раис муовини бўлиб ишларди. Уруш авжига чиқкан бир паллада армияга чакирилди. Ўша куни қишлоқ гузарига тўпланган оломон йигитларни фронтга жўнатар, шулар ичida онаси Маҳбуба опа ҳам бор эди. У болаларни қаноти остига олганча, эрига маъюс термулиб турарди. Баъзан ок рўмолининг учини чайнаб, кўзига тепчиган намни қўли билан артганча у томон интилди. Саттихўжа aka ҳам у томон юрди. Борди-ю...

- Йўқ, йук, келасиз, туну кун аллоҳдан илтижо қилиб сўрайман. Ҳа, болаларим баҳтига қайтасиз.

-Бардам бўл, қайтишга ҳаракат қиласман,-деди у онаси эгнидан тутган қизи ва ўглини бағрига босиб.

- Онангларни қийнаманглар, қийналсанглар қариндош-урӯғларга ёки Абдурайим дўкончига боринглар. Ҳа, у ошнам, унга тайинладим, оч қолсанглар қарз беради. Келсам узаман,-деди ўғли ва қизи пешонасидан ўпиди.

-Ҳамма араваларга чиқсин,-дея қийқирди кимдир.

Кий-чув бошланди....⁹⁷

Уруш урушлигини қилди, бир йил ўтмай Абдулло отасиз қолди. Энди у оиласаги ягона эркак эди. Шу боис ҳам бор ақли, идрокини оиласини боқишига бағишилади. Сабаби онасининг топгани тирикчиликка етмасди.

⁹⁶ Холмираев О., “Довон”, кисса, Наманган, 1997 йил, 5-бет.

⁹⁷ Холмираев О.“Довон”, кисса, Наманган, 1997 йил, 6-7 бетлар.

У шу ўй билан қишлоқ бозорига борди. Тиллахожи, Назархўжа оталар кўмагида олиб сотарлик ишини бошлаб юборди. Кейин дўкондорга шогирд тушди. Бироқ давр такозоси билан ҳар қандай ишнинг яхши-ёмон томонлари бўлади. Савдонинг эса текширувчиси-ю, назоратчиси кўп бўлади. Бу йўлда айрим иғвогарлар-у, нопоклар ҳам бор эди. Асарда шундай кимсалар образи жуда ишонарли берилган.

“... Абдулло навбатда турган Абдунабига кўзи тушди-ю, кўркиб кетди, аммо кўзларини бошқа томонга олди.

- Ҳа сени, қара-ю, уятни билмайсан, беш сўмлик калошни ўн сўмга сотибсан. Устингдан милисага ариза ёздим,-деди у жаҳл билан.

- Абдулло нима дейишни билмай қолди. Абдунаби эса яна овозини кўтарди

- Буларга пул бўлса, ҳе онангни....
- Нима дединг?-деди ёнида турган катта сотувчи Ортиқхўжа aka пештахта устидан ошиб ўтаркан, унинг ёқасидан тутиб.
- Нима дединг, қани қайтар-чи?-деди бўғзидан сиқиб.
- Куйвор, нега бўғасан, сени ҳам милисага тушгинг борми? Биласанми, мен кимман?
- Сенми?
- Ҳа
- Сен инсон қиёфасидаги маҳлук, нонкўр, иғвогарсан,-деди Ортиқхўжа aka юзлари аралаш шапати соларкан.....”⁹⁸

Асарда ижобий куч билан, салбий кучлар ўртасидаги кураш ана шундай давом этади. Ҳар галгидек бу қора кучлар устидан Абдулло ва унинг дўстлари албатта, ғалаба қиладилар. Бу табиий, аммо онаси Маҳбуба она, сингиллари Тожихон, савдо ходими Темирхон Исмоилов, милиция ходими Нарзулла Абдулаев, район партия кўмитасининг биринчи котиби Абдували Қодиров, РайПО раиси Анвар Максудов ва бошқаларнинг образлари жуда ишонарли тасвирланган ва уларнинг характерлари тўлақонли очиб берилган. Асар ниҳоясида Абдулло Пешкўргон қишлоқ савдо акционерлик жамиятининг раиси этиб сайланади. Албатта, барча асарларда бўлганидек, бу асарда ҳам севги ва муҳаббат жараёнлари ҳам яхши тасвирланган. Бош қаҳрамон Абдулло, Ҳалима исмли қизни севиб қолади ва ўз мақсадига этади.

⁹⁸ Холмирзаев О. “Дован”, кисса, Наманган, 1997 йил, 17-бет.

Шу ерда бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. Ёзувчи Оташ Холмирзаев нега ҳаётда бор, бирга яшаб, бирга тақдир деган кийин ва машаққатли йўлдан бораётган ҳамқишлоқларини қаламга олган? Бадиий асар деганда мавжуд кишиларни эмас, бадиий тўқима асосида образлар плеядасини яратса ҳам бўлардику! Ҳа, ҳақ гап. Бирок у “Ҳамқишлоқлар”, “Довон” асарларида ҳам, хоҳ у бадиий бўлсин, хоҳ ҳаётий бўлсин, ўзи кўрган ва билган шахсларни қаламга олади. Бу ёзувчининг ўз ҳамюртларига бўлган катта муҳаббатдан деб айтиш мумкин. Ҳали босилиб улгурмаган “Биринчи муаллим қиссаси”асарининг бош қаҳрамони Обокул Мусурмонов ҳам ҳаётий шахс.

Шу нуктаи назардан келиб чиқиб, ёзувчи нима ёзмасин ўз ҳамқишлоқлари образи орқали гўзал Ўзбекистонимизнинг барча ҳалқи ҳаётини қаламга олган дейишга асосимиз бор. У худди рассом сингари ўз ҳамюртлари галереясини яратган. Бу унинг катта ютуклариандир.

Ёзувчи ижодида яна бир мавзу, у ҳам бўлса, ўтган ва ҳозирда яшаётган ҳамюртларининг тарихидир. Бу борада у кейинги ўн йилликлар ичida катта ишлар қилди. Қаерда ишламасин, у ўша ернинг тарихини яратди. Пешкўргон ва Бофистон қишлоқлари тарихини ёзишда қатнашди. Чорток туман тарихи учун материаллар йиғишда иштирок этди. Охир-оқибат у “Пешкўргон мадҳи” номли чиройли рисола ёзди. Рисола оддий йўл билан эмас, ўша Пешкўргонда ижод этган машҳур бахшилар тилидан ҳикоя қилинади.

“Яратганга беҳисоб ҳамду санолар бўлсинким, мамлакат осмонига ҳуррият қуёши чараклаб чиққандан буён ҳамма қатори менинг рухимда бир соҳир туйғу, бир инжа муҳаббат, бир ойдинлик кезинади. Алғов-далғов тушлар, босинқирашлар барҳам топиб, кўз илинади дегунча, мовий кенгликлар узра парвозларга канот боғлашга тушамай. Гоҳ Султон Вайсил Қорон бобомиз, гоҳ Сутлибулօқ – Биби Наима онамиз қўлларимдан етаклаб, атакчечак бўлганимдан буён неча қатла кезганим она Пешкўргон кўчалари бўйлаб олиб ўтдилар.

Пешкўргон..... Эй минг йилларнинг гувоҳи бўлмиш нуроний Она! Буюк Туронимизнинг жон парчаси-Пешкўргоним! Сенинг ҳар кўйнингда, ҳар тошингда Тўмарис онанинг шижоати, Широқнинг изларини кўргандай бўламан. Ҳам миллий зулм, ҳам мустамлакачилар истибдодига қарши жон берган Пўлатхон, Курбон-

жон додхо, Мадаминбек, Омонполвон каби ватанпарварлар руҳи кезиб юргандай, сенинг кўчаларинг, бօғ-роғларинг, хилватгоҳларингда, сендан оққан сувлар жилдиригида, эсган еллар шивирида сетор хониши, бахшилар навозига эш бўлиб кетамиз....”⁹⁹

Китоб ана шу сатрлар билан бошланади, ўқувчини Пешкўргондек катта қишлоқнинг минг йиллик тарихи сари етаклади. Йўқ, уни Жумабой, Абдуазиз ва Рazzоқ бахшилар билан учраштиради.

“Ана шу хаёллар билан бўлиб, майса гилам устига мук тушиб ўтирсам, (Ё алхазар) қаршимда кўлларида сеторлари билан аввал Жумабой бахши, сўнг Абдуазиз бахши ва Рazzоқ бахшилар пайдо бўлдилар. Ўрнимдан сакраб туриб, уларнинг пойқадамларига етар-етмас, чинакамига айланган зангори гиламга башхиларни таклиф этаман...”¹⁰⁰

Рazzоқ бахшининг юзи ёришди. Худди бундан йигирма, ўттиз йил аввал кўрганимдек оппоқ соқолларини силайди, сўнг енг шимариб унг кўлида ушлаган сеторини кўкда ўйнатади-да, чертади. Кулогим остида майнин, аммо дилни қитикловчи куй янграйди, бахши аввал сокин, сўнг шиддат билан сетор чертадики, олам куй сехри билан ёнади.

Бирдам айтай ўтган билан кетгандан,
Юртинг суйлаб, қош-қабокда тутгандан....”¹⁰¹

Менинг назаримда асарнинг киммати ҳам шу . Ёзувчи нафакат ёзувчи, балки шоир сифатида бахшилар билан биргаликда она Пешкўргондек катта қишлоқнинг Созсой, Бештол, Ораарик, Ариқбағиш, Оқ терак, Балиқлиқўл, Прат каби кичик қишлоқларга таъриф беради. Беради эмас, бахшиларни шу қишлоқ таърифини худди “Алпомиш”, “Гўрўғли” достонлари сифат назм ва насрда айтишга ундейди.

“... Абдуазиз бахши менга бокди. Тиззасига қўйган сеторини олиб чертди. Шутиб, замон-замон бўлиб, олам дам коронги, дам ёруғ бўлиб, ёруғ дунёда биринчи қишлоқлар пайдо бўлди, кейин шаҳарлар.... Пешкўргоннинг қачон пайдо бўлганини билмайман-у,

⁹⁹ Холмирзаев О. “Пешкўргон мадҳи”, 3-4-бетлар.

¹⁰⁰ Холмирзаев О. “Пешкўргон мадҳи”, 3-4 бетлар

¹⁰¹ Холмирзаев О. “Пешкўргон мадҳи”, 4 бет

лекин бир нарсага аминман, унинг тарихи минг йилларга тенг...”¹⁰² Бу ҳақ гап.

Ёзувчи энди ана шу ҳикмат заминида қишлоқнинг ўтмишига қайтади. У ёзма ва оғзаки манбалар асосида маълумотларни Захириддин Мұхаммад Бобурнинг “Бобурнома ” асаридаги Пешкүргон ҳақидаги сатрларга барча-нинг диккатини қаратади. Бугина эмас, қишлоқ ҳақида қалам тебратган олим Одилжон Носиров, Тўра Мирзо, Темур Бек, Оташ Холмирзаев, Маҳмуджон Маъмуроғли, Жўра Раҳим, Абдураҳмон Насриддинов, Аълоҳон Фозиев, Собир Турғунов, Алимқул Султонов, Мухтор Султонқулов, Ҳамро Бону каби-ларнинг ижод қальасига етаклаб боради, уларнинг айтган ва ёзган сатрларидан намуналар келтиради. Асарнинг яна бир ўқимишли томони шундаки, унда ҳар бир достончи ва шоир навбатма-навбат қишлоқ тарихининг турли жабҳаларини куйлашади, улар дам назмда айтишса, дам насрга ўтишади. Бу ўз навбатида унинг ўқимишлилигини оширган. Яна бир қизиқарли томони шундаки, унда худди достондагидек, бахши ўз сўзини кенг маънода тушун-тиради-да, сўнг шеърий йўл билан сетор жўрлигига куйлади.

Бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган шоир ва журналист Собир Турғун шундай ёзади: “Оташ “Пешкүргон мадҳи” асарида янги бир йўл топади, топганда ҳам соз топади. У бахшилар иштирокида қишлоқ тарихини шундай мароқ билан куйладики, киши бевосита ўша тарих билан бирга яшайди ва бирга нафас олади”,¹⁰³.

Рисола барча қишлоқлар тарихини сўзлаб бўлгач, энди эл-юрт равнаки учун энг зарур бўлган ҳалқ маорифига қаратади, унинг ривожи ҳамда тараққиётини кўтаринки руҳда сўзлашга ўтади.

“... Ана энди сўзни Абдуазиз бахшидан Рассоқ бахши олиб, Пешкүргон тарихига оид сўзларни териб, ҳар бир сўзга урғу бериб, ўтган-кетганлар, буюклар ҳақида бир-бир сўзлай бошлади.

“...Энди қишлоқ ахли қандай билим олганлигини айтай. Улар асосан мактаб-мадрасаларда, қизлар эса хонадонларда, отин ойилардан билим олганлар. Қишлоқдаги энг ўқимишли кишилар Мулла Эшон, Болтабой қори, мулла Соттийолар бўлган. Кейин-

¹⁰² Холмирзаев О “Пешкүргон мадҳи”, 5 бет

¹⁰³ Собир Турғунов, “Чорток ҳақиқати” рўзномаси, “Шонрининг янги китоблари” маколаси, 1999 йил 12 февраль, №6сон

Чалик янги мактаблар очилди, уларнинг биринчи ўқитувчилари Нурий домла бўлган, сўнг Отахон Нарзуллаев, Турсунбой Абдуллаев....”¹⁰⁴

Ёзувчи меҳнати синган, таникли ўқитувчилар номларини ижодкор бахши томонидан давом эттириш билан бирга, ўша давр таълимоти ва унинг усуллари тўғрисида ҳам батафсил сўз юритади. Сўнг бахши тилидан энг соз ўқитувчига қасида айтади.

Бойтемирдир отингиз,
Туркий эрур зотингиз.
Шогирдлару фарзандлар,
Хузурини тотингиз¹⁰⁵

Ўқитувчи, устоз ҳақида айтилаётган бу шеър ана шундай давом этади ва ўқувчини ўз даврининг моҳир ўқитувчиси Бойтемир Кўймуродовни яқиндан таниширади. Шу шеърнинг ўзида қишлоқдаги мавжуд ўнта мактаб ўқитувчиларидан бир гурухининг суратлари ҳам берилганки, бу ўз навбатида асар кимматини оширган. Ҳар бир замонда, ҳар қандай инсон ҳалқи, юрти учун жон фидо қилган кишилар ва уларнинг ўлмас ҳаётлари ҳақида билишга интилгандар, айниқса, суратларига доимо сукланиб бокқанлар. Ижодкорнинг яна бир ютуғи шундаки, у бир кун келиб унут бўлиши мумкин бўлган ўша колҳозлаштириш, тинч қурилиш, ватан уруши йилларининг қаҳрамонларига ҳам кенг ўрин берган.

Рисола илмий қимматга ҳам эга. Унда ўша 1800-1900 йиллар давомида қишлоқда ижод қилган юздан ортиқ бахшилар ва уларнинг шажараси ҳақида ҳам кенг маълумотлар берилган.

Шунингдек, ҳалқ оғзаки ижодининг қўшиқ, мақол ва матал жанрларида ёзиб олинган маълумотномалар ҳам жуда қимматлидир. Шоир ва ёзувчи Оташ Холмирзаев бу китобида ўзи ёзиб олган қўшикларидан ҳам намуналар келтиради. Мана ўшалардан бири. У Саврибу Сонсизбоевадан ёзиб олинган.

Югуриб чиқдим теракка,
Элимизга керакка.
Бизни юрак талпинмас,
Суйган ёрдан бўлакка.

¹⁰⁴ Оташ Холмирзаев, “Пешкўргон мадҳи”, 13-15-бетлар.

¹⁰⁵ Оташ Холмирзаев, “Пешкўргон мадҳи”, 15-бет.

Атлас күйлак енги бор,
Енг ичида хати бор.
Хатин суртдим кўзимга,
Унда ёрни оти бор.
Бизнинг ҳовли йўлингиз,
Кимда экан кўнглингиз.
Оқ билакни шошириб,
Дутор урар қулингиз.

Бедана бўлиб учай,
Бедапоянгга тушай
Севгимизнинг боғидан,
Йўлларингга гул тўшай.

Атлас кўйлак киймайман,
Ёқасини бўғдириб.
Қиморбозга тегмайман,
Юрагимни куйдириб.¹⁰⁶

Халқ оғзаки ижодиётининг қўшиқ жанрига кирувчи бу асар хар қандай даврда ҳам ўз кучини йўқотмайди ва тарбиянинг бир бўлаги сифатида жуда қимматлидир. Рисолада айниқса, халқ достончилари ва бугунги куннинг ижодкорларига ҳам ўрин берилган. Китобда халқ орасидан етишиб, ўз китоб ва рисолалари билан элга танилган шоир ва ёзувчилар ҳақида ҳам кенг малумотлар берилган. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолари Оташ Холмирзаев, Тўра Мирзо, Темур Бек, Раззок бахшилар қишлоқнинг фахри эканлиги аниқ ва равшан баён этилган.

“... Тўра Мирзо,-деб ёзади муаллиф, -1956 йилда Пешкўргон қишлоғида туғилган. Қишлоқдаги 26-ўрта мактабни тутгатиб, Тошкент Санъат институтининг театршунослик бўлимини, кейинчалик Москвадаги Олий адабиёт курсини тамомлади. 1983-йилда унинг ilk “Майсалар ҳайқириғи”, кейинчалик, “Гўруглининг беланчаги”, “Тонгги мактаблар”, “Кулгихона”, “Амир Темур васияти” каби китоблари чоп этилган. Унинг рус тилида эса “Добрый знак”, “Возвращение в Фергану” китоби, турк

¹⁰⁶ Холмирзаев О., “Пешкўргон мадҳи”, 23-бет.

тилида эса “Билго тунокук” асарлари босилган. Ундан ортиқ драматик асарлар ёзган ва жуда кўп ижодкорлар асарларини таржима қилган . . .”¹⁰⁷

Бундай ижодкорлар ҳақидаги маълумотлар жуда кўп. Улар ўз даври ва ўтмиш учун ҳам қимматли манбаа бўлиб қолишига шак-шубха йўк. Темур Бек, Оташ Холмирзаев, Рazzok бахши ва элга танилиб қолган Абду Раҳмон Тўла, Ҳамро Бону, Икром Комил, Носир Аббос, Мухаммад Вали ҳақидаги ёзмалари ҳам дикқатга сазовордир.

Рисолада қишлоқдаги табобат, темирчилик, ошпазлик, каштачилик, милиция ва савдо ишлари тарихи ҳам кенг ва атрофлича баён этилган. Шунингдек, қишлоқ удумлари, миллий қадриятларга ҳам кенг урин берилган. Айниқса, унинг қадимги ва ҳозирги полвонлар, улоқ ва пойга ҳақидаги сатрлари жуда қизиқарлидир.

“...Қишлоқда, -деб ёзади муаллиф,-Мамасоли Кўчкоров, Жўнайдулла Ғайбуллаев, Аҳмадулло Кўчкоров, Мамажон Пўлатов, Жакпарали Ортиков каби ўнлаб улоқчилар бор. Булар ҳақида сўзим бу туур:

Гулдир-гулдир от боради, от боради,
Туёғидан ўт чақнатиб, бот боради.
Кўқ бағрида чараклайди қуёш ва ой,
Куёш, ойга талпинган бир зот боради.

Ёзувчи бу рисоласида полвон ва улоқчиларни тасвир этиш билан ўз қишлоғининг одамлари азалдан ботир ҳамда мард эканлигини кўрсатмоқчи бўлади ва бунга эришган ҳам. Улар мард ва паҳлавон йигитлар. Улар билан фаҳрланса арзиди. Бу борада қишлоқ посбонлари ҳам улардан қолишмайди. Қишлоқда биринчи милиционер касбини Ҳайдар Сонсизбоев, Нарзулла Абдуллаев, Бувамирза Мўминовлар ва кейинчалик эл тинчлиги йўлида хизмат қилаётган подполковник Наримонжон Нарзуллаев, капитан Нўмонжон Нарзуллаев, капитан Маҳаммаджон Абдуллаев, Иброҳим Мўминов, Рахимжон Мурадов ва бошқаларнинг қайноқ ҳаёти зўр маҳорат билан куйланади.

Оқ от миниб эл ичра,
Эл корига яраган.

¹⁰⁷ Холмирзаев О., “Пешкўргон мадҳи”, 24-25-бетлар.

Атлас күйлак енги бор,
Енг ичидა хати бор.
Хатин суртдим кўзимга,
Унда ёрни оти бор.
Бизнинг ҳовли йўлингиз,
Кимда экан кўнглингиз.
Оқ билакни шошириб,
Дутор ураг қулингиз.

Бедана бўлиб учай,
Бедапоянгга тушай
Севгимизнинг боғидан,
Йўлларингга гул тўшай.

Атлас кўйлак киймайман,
Ёқасини бўғдириб.
Қиморбозга тегмайман,
Юрагимни куйдириб.¹⁰⁶

Халқ оғзаки ижодиётининг кўшиқ жанрига кирувчи бу асар ҳар қандай даврда ҳам ўз кучини йўқотмайди ва тарбиянинг бир бўлаги сифатида жуда қимматлидир. Рисолада айникса, халқ достончилари ва бугунги куннинг ижодкорларига ҳам ўрин берилган. Китобда халқ орасидан етишиб, ўз китоб ва рисолалари билан элга танилган шоир ва ёзувчилар ҳақида ҳам кенг малумотлар берилган. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолари Оташ Холмирзаев, Тўра Мирзо, Темур Бек, Раззок баҳшилар қишлоқнинг фахри эканлиги аниқ ва равшан баён этилган.

“... Тўра Мирзо,-деб ёзади муаллиф, -1956 йилда Пешкўргон қишлоғида туғилган. Қишлоқдаги 26-ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Санъат институтининг театршунослик бўлимини, кейинчалик Москвадаги Олий адабиёт курсини тамомлади. 1983-йилда унинг илк “Майсалар ҳайқириғи”, кейинчалик, “Гўруглининг беланчаги”, “Тонгги мактаблар”, “Кулгихона”, “Амир Темур васияти” каби китоблари чоп этилган. Унинг рус тилида эса “Добрый знак”, “Возвращение в Фергану” китоби, турк

¹⁰⁶ Холмирзаев О., “Пешкўргон мадҳи”, 23-бет.

тилида эса “Билго тунокук” асарлари босилган. Ундан ортиқ драматик асарлар ёзган ва жуда күп ижодкорлар асарларини таржима қилған . . .”¹⁰⁷

Бундай ижодкорлар ҳақидағи маълумотлар жуда күп. Улар ўз даври ва ўтмиш учун ҳам қимматли манбаа бўлиб қолишига шак-шубха йўқ. Темур Бек, Оташ Холмирзаев, Раззоқ бахши ва элга танилиб қолган Абду Раҳмон Тўла, Ҳамро Бону, Икром Комил, Носир Аббос, Мухаммад Вали ҳақидағи ёзмалари ҳам дикқатга сазовордир.

Рисолада қишлоқдаги табобат, темирчилик, ошпазлик, каштачилик, милиция ва савдо ишлари тарихи ҳам кенг ва атрофлича баён этилган. Шунингдек, қишлоқ удумлари, миллий қадриятларга ҳам кенг урин берилган. Айниқса, унинг қадимги ва ҳозирги полвонлар, улоқ ва пойга ҳақидағи сатрлари жуда қизиқарлидир.

“...Қишлоқда, -деб ёзади муаллиф,-Мамасоли Кўчқоров, Жўнайдулла Файбуллаев, Аҳмадулло Кўчқоров, Мамажон Пўлатов, Жакпарали Ортиков каби ўнлаб улоқчилар бор. Булар ҳақида сўзим бу турур:

Гулдир-гулдир от боради, от боради,
Туёгидан ўт чақнатиб, бот боради.
Кўк бағрида чараклайди қуёш ва ой,
Куёш, ойга талпинган бир зот боради.

Ёзувчи бу рисоласида полвон ва улоқчиларни тасвир этиш билан ўз қишлоғининг одамлари азалдан ботир ҳамда мард эканлигини кўрсатмоқчи бўлади ва бунга эришган ҳам. Улар мард ва паҳлавон йигитлар. Улар билан фахрланса арзиди. Бу борада қишлоқ посбонлари ҳам улардан қолишмайди. Қишлоқда биринчи милиционер касбини Ҳайдар Сонсизбоев, Нарзулла Абдуллаев, Бувамирза Мўминовлар ва кейинчалик эл тинчлиги йўлида хизмат қилаётган подполковник Наримонжон Нарзуллаев, капитан Нўмонжон Нарзуллаев, капитан Махаммаджон Абдуллаев, Ибронхим Мўминов, Рахимжон Мурадов ва бошқаларнинг қайноқ ҳаёти зўр маҳорат билан куйланади.

Оқ от миниб эл ичра,
Эл корига яраган.

¹⁰⁷ Холмирзаев О., “Пешкўргон мадхи”, 24-25-бетлар.

Милиция постида,
Нарзуллабой отамиз.¹⁰⁸

Үз умри ва бутун ҳаётини милиция ишига. бағишлаган Нарзулла ота ҳақида жуда чиройли мисралар битади, унинг хурматини жойига кўяди.

Хулоса қилиб айтганда, “Пешкўргон мадхи” ёзувчи ижодидаги энг яхши асарларидан биридир.

Болалар шоири сифатида у анчагина китоблар чиқарган. Унинг аксарият асарлари 1960-1990 йиллар ёшларининг ҳаёти ва кундалик турмуши ахлоқ ва одобига бағишланган.

Шу билан бирга катталар шоири сифатида ҳам анча-мунча ишлар қилган. Ўнинг ҳар бир шеърида давр нафаси уфуриб туради. Айниқса, Ватан ва ватанпарварлик ғояси жуда кучли. Шу билан бирга у яратган мингга яқин тўртликлар ўз даврининг тарбия қуроли бўлишига ишонасан киши. Туркистон ва унинг бўлакларга бўлинган юртлари, элатлари ҳақида ҳам ижобий гаплар айтган. Аммо архивларини варақлаш ҳамда ўрганиш жараёнида шунга ҳам амин бўлдикки, ҳали энг сара шеърлари негадир китоб ҳолига келтирилмаган. Бу балки шоирнинг сиридир. У ҳалқ бахшилари ижодининг изланувчиси, тарғиботчisi ва ёзиб олувчиси сифатида ҳам катта иш қилган. У Фаргона ҳалқ достончилиги мавзусида қилган илмий ишлари ибратлидир. Бу ишга оид достон, қўшиқ ва эртаклар ҳам шахсий архивидан жой олган. Архивни ўрганиш жараёнида бу асарлар билан ҳам танишиб, шунга амин бўлдикки, шоир ва ёзувчи ҳамда олим Оташ Холмирзаев Фаргона ҳалқ достончилиги бўйича катта тадқиқот ишлари олиб борган ва ҳали фанга маълум бўлмаган юзга яқин достончилар ва уларнинг ижоди бўйича жуда аниқ ва лўнда фикрлар айтган. Шу билан бирга у Кўлбуқон, Пешкўргон, Сайрам, Ариқмўйин, Балиқчи, Бешариқ каби қишлоқларда достончилик мактаблари ёки кичик-кичик уюшмалари борлигини аникланган, уларнинг шажарасини тузиб чиқкан. Шу билан бирга ўнлаб томга тенг ҳалқ қўшиклари, мақол, матал, эртак, ривоят, болалар фольклори каби мавзуларда тўпловчилик ишларини олиб борган. Тўпланган материалларни архивларга топширган. Юзга яқин газета ва журналларда худди шу мавзу бўйича мақолалар эълон қилган.

¹⁰⁸ Холмирзаев О., “Пешкўргон мадхи” 29-бет

Ёзувчи сифатида эса у ўндан ортиқ қисса ва юзга яқин ҳикоялар битган. Уларнинг кўпларини вактли матбуотда бостирган, кўпларини китоб ҳолига келтириб қўйган. Унинг “Боғлар сўз сўрайди”, “Замин кўшиклари” каби асарлари хам нашрга тайёрлаб қўйилган. Шунга хам шохид бўлдикки ёзувчи Оташ Холмирзаев асардан асарга ўсиб борган. У бугун хам ёзишда давом этмоқда. Ҳатто янги ёзган “Ёлғизлик” ҳикоясини ўқиб кўзингга ёш оласан киши. У ўша юкорида тилга олинган “Ҳамқишлоқлар”, “Довон” асарларида тилнинг равонлиги, ортиқча сўз ва ибораларнинг йўқлиги билан бизни хурсанд қилди.

Кейинги йилларда унинг “Қиёмат”, “Афғондан қайтган руҳлар” қиссалари, “Яшаш гашти” номли катталар ва болаларга аталган катта ҳажмдаги шеърлар китоби “Мустақиллик тароналари” каби болалар шеъриятига оид китоблари ва “Отам айтган эртаклар”, “Бир тақдир қиссаси”, “Чақмок”, “Тақдир соҳилидаги одамлар” каби қиссаларининг чоп этилиши катта ютуқдир. Яқинда эса унинг “Бир сиким тупроқ” номли ҳикоялари ва “Биз табиат шайдоси” номли болаларга аталган шеърларидан жамланган китоблари “Наманган” нашриётида чоп этилди. Кейинги ўн йилликлар ичida йигирмадан ортиқ ёш ижодкорлар китобига ва болаларнинг “Олтин тож” газетасига муҳаррирлик қилди.

Умуман олганда, Оташ Холмирзаев шоир ва ёзувчи, олимдир. Бундай дейишга тўла асосимиз бор. Борди-у, чекка бир қишлоқда яшаб ижод қилаётганини хисобга олсан, бу жуда катта жасорат ҳам. Болалар шоирлари ижоди мунаvvар тонг қўшиғига ухшайди. Ниятимиз бу қўшиқ баралла жаранглайверсин.

Азиз китобхон!

Болалар шоири, ёзувчи, журналист, фольклоршунос олим, фидойи мураббий Оташ Холмирзаевнинг 70 йиллик тўйи муносабати билан унинг хаёт йўли, ижоди ҳақидаги дастлабки кузатишларимиз билан танишиб чиқдингиз.

Ушбу рисола ҳақидаги барча фикр-мулоҳаза ва таклифларингизни эшлишига бажонидил тайёрмиз. Муаллифлар.

**Шоир ва ёзувчи Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, халқ таълими
аълочиси Оташ Холмирзаевнинг чоп этилган асарлари хақида
МАЪЛУМОТ**

№	Китобнинг номи	Жанри	Чоп этилган йили	Қаерда чоп этилган	Қайси адабиётта мансуб
1.	“Осмондаги дарвоза”	Назм	1972	Тошкент	Болаларга
2.	“Бизнинг карвон”	Назм	1974	Тошкент	Болаларга
3.	“Момокаймок” рангли	Назм	1976	Тошкент	Болаларга
4.	“Пешкўргон олмаси”	Назм	1992	Чорток	Болаларга
5.	“Ўрта мактабда халқ оғзаки ижоди”	Методик	1992	Наманган	Илмий
6.	“Мактаб –менинг хаётим”	Педагогик	1997	Наманган	Педагогик
7.	“Турон оҳанглари”	Назм	1997	Наманган	Катталарга
8.	“Довон”	Қисса	1997	Наманган	Наср
9.	“Пешкўргон мадхи”	Тарихий	1997	Наманган	Тарихий
10.	“Мустакиллик болалари”	Назм	1997	Наманган	Болаларга
11.	“Сени доим кутаман баҳор”	Назм	1997	Наманган	Катталарга
12.	“Максудбекнинг беклиги”	Назм	2001	Наманган	Болаларга
13.	“Шодивойнинг дўстлари”	Назм	2001	Наманган	Болаларга
14.	“Хамкишлоларим”	Назм	2001	Наманган	Катталарга
15.	“Соғинганларим”	Назм	2001	Наманган	Катталарга
16.	“Отам айтган эртаклар”	Эссе	2006	Наманган	Эссе
17.	“Уруш кўрган одамлар”	Ҳикоялар	2005	Наманган	Ҳикоялар
18.	“Бир тақдир қиссаси”	Қисса	2006	Наманган	Катталарга
19.	“Камалакнинг етти жилоси”	Лавҳалар	2006	Наманган	Катталарга
20.	“Фасллар беланчаги”	Назм	2006	Наманган	Болаларга
21.	“Олтин беланчак”	Назм	2007	Наманган	Катталарга
22.	“Мустакиллик кўшиги”	Назм	2007	Наманган	Болаларга
23.	“Бойичеклар гул очди баҳор”	Назм	2007	Наманган	Катталарга
24.	“Камалак жилоси”	Назм	2008	Фаргона	Болаларга
25.	“Мустакиллик тароналари”	Назм	2008	Наманган	Болаларга
26.	“Тақдир чизиги”	Наср	2008	Наманган	Катталарга
27.	“Киёмат” 2 том	Наср	2009	Наманган	Катталарга
28.	“Яаша гашти” 1-том	Назм	2009	Наманган	Болаларга
29.	“Бир сиким тупрок”	Ҳикоялар	2009	Наманган	Катталарга
30.	“Биз табиат шайдоси”	Назм	2010	Наманган	Болаларга

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	4
Шоир ҳаёти ва ижоди	10
Оташ Холмирзаев – болалар шоири	21
Шоир тўпламлари ҳақидаги ўйлар	27
Оташ Холмирзаев – ёзувчи	46
Шоирнинг чоп этилган асарлари	66

Мўминжон Сулаймонов,
Курбонали Тўлабоев

МУНАВВАР ТОНГ ҚЎШИФИ
Илмий-оммабоп рисола

Мухаррир:	Боқий Мирзо,
	Темур Бек
Мусаввир:	М. Жумабоев
Саҳифаловчи:	И. Жумабоев
Компьютерчи:	А. Эргашалиев

Теришга берилди 01.03.2010. Босишга рухсат этилди 01.05.2010й.
Бичими 64x80 1/16 хажми 3.75 босма табок. Адади 150 нусха.
Буюртма №61. Бахоси келишилган нархда.

“Наманган” нашриёти. Наманган шаҳри, А.Навоий кӯчаси, 36 уй
«Фахризода »кичин корхонаси. Наманган шаҳри, Дўстлик шоҳ-кӯчаси, 2-А уй



Филология фанлари номзоди, Намду доценти Мўминжон Сулаймонов 1962 йилда Чортот тумани Гулдиров қишлоғида таваллуд топди.

У қишлоқдаги 13-умумтаълим мактабининг ўн биринчи синфини тугатиб, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти қуллиётига ўқишга кирди ва уни "аъло" баҳоларга тугатди. Сўнг филология фанлари доктори, профессор Н.М.Маллаев раҳбарлигида илмий иш қилди.

Ҳозирда у докторлик ишини ёзиб тугатмоқда. "Мунаввар тонг қўшиғи" устоз Қ.Тўлабоев билан ҳамкорликда яратган навбатдаги илмий китобларидан биридир.

Таниқли педагог, рейтинг тизими асосчиларидан бири, олий тоифали ўқитувчи Қурбонали Тўлабоев 1946 йилда Пешқўрғон қишлоғида туғилган. У қишлоқдаги 22-ўрта мактабни тамомлаб, Фарғона Давлат Университетининг физика-математика қуллиётига ўқишга кирди.



У қирқ йилдирки оддий ўқитувчи, мактаб директори, туман халқ таълими бўлими методисти вазифаларида ишлаб келмоқда.

Шу йиллар ичida педагогик ва методик мавзуларда ўндан ортиқ рисолалари чоп этилди. Унинг 60 йиллик тўйи арафасида, у ҳақда "Камалакнинг етти жилоси" номли китоб ҳам яратилди.

"Мунаввар тонг қўшиғи" эса, олим Мўминжон Сулаймонов билан ҳамкорликда ёзилган рисоласидир.

